

Берендети 2010
I - ай

Хабар

9
(910)-son
26-fevral
www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz
2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Қишлоқда АКТ

Бухоро вилояти мисолида

Одамларнинг энг яқин кўмакчисига айланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга янада чуқурроқ кириб бориб, халқ хўжалигининг барча жабхаларини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда ҳам ушбу соҳа тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани ижобий самарасини бериб, юксак натижаларга эришилмоқда. Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда АКТнинг роли салмоқли бўляпти. Буни ҳудуднинг каттагина қисми чўллардан иборат Бухоро вилояти мисолида яққол кўриш мумкин.

5-бет



➔ DOLZARB MAVZU

ЯНГИБОЗОРДА ЯНГИЧА УСУЛ

Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ олдида турган энг асосий муаммолардан бири — почта алоқаси объектларида пул маблағларининг ходимлар томонидан ўзлаштирилишига йўл қўйилаётганлигидир. Афсуски, бундай хатти-ҳаракатларга қарши қатор чора-тадбирлар кўрилишига қарамай, ўғрилиқ ҳолатлари камаймаяпти.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил якунларига бағишлаб ўтказилган Ҳайъат йиғилишида Агентлик Бош директори Ҳ.Муҳитдинов айнан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мутасадди раҳбарларга почта тизимида ўғрилиқларнинг олдини олиш ва уни баргараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳақида топшириқлар берди.

Мазкур масала юзасидан биринчилар қаторида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиалининг Янгибозор почта алоқаси тармоғида “Почта тизимида пул маблағлари ўзлаштирилишининг олдини олиш ва иш сифатини ошириш тадбирлари” мавзуида семинар машғулоти ўтказилди. Семинарда тармоқ таркибидаги барча почта алоқаси бўлимлари бошлиқлари, почтачилар ва мутахассислар иштирок этишди.

3-бет



Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

COM ва NET доменлари маъмури - Verisign компанияси домен саноатининг сўнги чораги бўйича ҳисоботини эълон қилди. 2009 йил сўнги санасига қадар рўйхатга олинган номлар сони йиллик 2 фоиз ўсиш ҳисобига (барча доменлар ҳисобланганда) 192 миллионга етган. Етакчи 10 домен: COM, CN, DE, NET, UK, ORG, INFO, NL, EU, RU. Миллий доменлар (ccTLD)даги номлар сони - 78,6 миллионга. 240дан ортиқ миллий доменларда қайд этилган номларнинг 66 фоизини етакчи ўн домендаги сайтлар ташкил этган.

Ушбу сонда:

- “Ўзбектелеком” АК: Даромад 14 фоизга ошди 2
- Мобил тижорат ривожланмоқда 4
- Форум «День инноваций Microsoft в Ташкенте» 6
- Улар ишсиз қолишмайди 11
- GREEN CARD нима? 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 феврал куни Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон буйича махсус вакили Ричард Холбрукни қабул қилди.

Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашиди.

23 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Microsoft корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматлари билан ишлаш бўйича директори Роланд Хофманн билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид масалалар бўйича ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи муҳокама этилди.

Юртимизга жаҳонга машҳур "VIZA International" компаниясининг етакчи вакиллари таширф буюришиб, республикаимиз тижорат банклари фаолияти билан яқиндан танишиди. Ушбу таширф давомида "UzNNS" деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизими жорий этилди. Бу тизим орқали Ўзбекистон банклари мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобларини миллий валютадаги "VIZA" картчалари орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Пойтахтимизда "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ ўрни ва ролини янада мустақамлашнинг долзарб вазифалари" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, мамлакатимизнинг етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тошкентда аёллар онкологик хасталикларини даволаш борасидаги сайё-ҳаракатларини бирлаштириш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Мазкур давра сўхбатида кўкрак беши хавфли ўсмалари муаммоларини бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни хусусида сўз борди.

Брюсселда дунё мамлакатлари туризм, спорт ва дам олиш имкониятлари ҳақида маълумот берувчи 52-халқаро "Salon des Vacances" сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини "Ansel Travel", "Dromen", "Djoser", "Hobo Reisen", "Terra Travel", "Kuoni", "Koningar" сингари туристик компаниялар ҳамда "Air Baltic" авиакомпанияси ваколатхонаси намойиш этди. Тадбир меҳмонларига ўзбек халқининг қадимий тарихи, бой маданияти ва сайёҳлик йўналишлари ҳақида маълумотлар берилди.

Латвиянинг "Балтийский курс" интернет-журналида "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва шу муносабат билан хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида мақола эълон қилинди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда компания молия-хўжалик фаолиятининг 2009 йил якунлари ҳамда бизнес-режасининг бажарилиши, шунингдек, Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди.

"Ўзбектелеком" АК: Даромад 14 фоизга ошди

Мажлисида Кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи раҳбарлари, компаниянинг департамент ва бўлим бошлиқлари иштирок этди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан компания бош директори Шухрат Солиқовнинг "Ўзбектелеком" АКнинг 2009 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Таъкидланишича, ҳисобот даврида компания бўйича асосий фаолиятдан олинган даромад 270 млрд. сўмни ташкил этган, белгиланган режа 106 фоизга бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 14,0 фоиз кўп даромад олинган. Ҳисобот даврида умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда 7,7 млрд. сўмни ва соф фойда 3,1 млрд. сўмни, ҳисобот даври якунига келиб, компаниянинг халқаро интернет тармоғига уланган оқимлар сифими 1 270 Мбит/с.ни ташкил этди.




Ҳисобот даврида компания томонидан инвестиция қўйилмаларига эътиборни давом эттирган ҳолда, сармоялар асосан янги техника ва технологияларни сотиб олиш ва тармоқни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилди. Бунинг натижасида жами 33,5 млрд. сўм миқдоридagi капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, шундан қарийб 99,6 фоизи компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Республика телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш мақсадида Юртбошимиз томонидан 2009 йил давомида қабул қилинган қатор қарорлар жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўта муҳимлиги билан биргаликда компания раванга йўлида муҳим йўналишларни ривожлантиришга замин яратди.

Компания томонидан 2009 йилда умумий суммаси 30 млн. АҚШ долларилриқ 9та йирик истиқболли лойиҳалар бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

- Тошкент шаҳар Махсус алоқа боғламасини реконструкция қилиш (Call Center);
- DSLAM технологияси асосида кенг полсалони кириш тармоғини кенгайтириш;
- Тошкент-Бухоро Транс-Осиё-Европа оптик толали телекоммуникация тармоғини DWDM технологиялари асосида кенгайтириш;
- Андижон – Ўш (Қирғизистон), Қўнғирот – Бейнов (Қозғистон), Денов – Турсун-

2009 ЙИЛИНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ



зода (Тожикистон), Термиз – Ҳайратон (Афғонистон) йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари барпо этиш;

- Тошкент-Фарғона водийси рақамли радиореда линиясини кенгайтириш;

- DWDM/SDH/IP/MPLS технологиялари асосида Тошкент шаҳар маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

- қишлоқ жойларида симсиз радиоалоқа тармоғини кенгайтириш;

- қишлоқ аналог телефон станцияларини реконструкция қилиш;

- қишлоқ аҳоли масканлари учун кичик ҳажмдаги "Коинот Эл-СГМ" рақамли телефон станцияларини ишлаб чиқариш учун қўшимча қисмлар харид қилиш каби лойиҳалардир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ҳам компания томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада айрим қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган бўлса, бошқа ҳудудларда кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди ва тури кенгайтирилди. Жумладан, умумий сифими 21536 портли 78та "Коинот Эл-СГМ" коммутиация қурилмалари жорий қилинди.

"Қишлоқ жойларда симсиз алоқа тармоғини кенгайтириш" лойиҳаси доирасида қўшимча база станциялари асосида тармоқ кенгайтирилиб, республиканинг шимолий ҳудудларида 20та база станцияси ўрнатилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, 2009 йилда «Ўзбектелеком Мобайл» филиали томонидан 1443 мактаб CDMA-450 тармоғидан телефонлаштирилиб, режанинг 100 фоизга бажарилишига эришилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури" доирасида амалга оширилган муҳим тадбирлардан яна бири инфратузилма объектларини телефон алоқаси билан таъминлашдан иборат бўлди. Бу борада компания томонидан болалар уйлари, боғчалар, меҳрибонлик уйлари, академик лицейлар белгиланган олинган режа бўйича тўлиқ телефон алоқаси билан таъминланди.

Тиббиёт муассасалари, хусусан, касалхоналар, шифохоналар ва санаторийларни ҳамда мактаб ва коллежларни телефон алоқаси билан таъминлаш бўйича режанинг 91-97 фоизгача бажарилишига эришилди. Болалар боғчалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг телефон алоқаси билан таъминланганлик даражаси 69-74 фоизга етди.

Кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан компания бош директори ўринбосари Н.Ҳасанов, иқтисодий таҳлил, прогнозлаш ва тарифлар бўлими бошлиғи Х.Абидова, бош ҳуқуқий маслаҳатчи Р.Хурсанов, қурилиш ва сармоялар бўлими бошлиғи С.Умархўжаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ўзбектелеком" АК матбуот хизмати

Якун ва режа

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг (РЧДК) навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибига РЧДКнинг 2009 йилги иш якунлари ва 2010 йил иш режасини тасдиқлашга оид асосий масалалар кўйилди. Ўтган йил мобайнида РЧДК томонидан радиочастота полосаларини ажратиш, радиочастота бириктиришларни ҳисобга олиш, республика ҳудудига радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, БРК-07 якуний актларини амалга ошириш ва БРК-12га тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирларни бажариш бўйича ишлар амалга оширилганлиги, йиғилишда тасдиқланган РЧДКнинг иш режасига мувофиқ 2010 йилги чора-тадбирлар комиссиянинг вазифаси, функцияси ва қарорларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда республика радиочастота органларининг 2009 йилдаги иш фаолияти, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонунининг 17-бандига мувофиқ радиочастота спектри мониторингини олиб бориш, ягона радиочастота регистрини тузиш ишлари тўғрисидаги ахборот тингланди.

"Ўзбекистон Республикасини 2009-2015 йилги рақамли эшитиришга ўтишнинг частота-ҳудуд режаси" тасдиқланди. Республика ҳудудида давлат телерадио дастурлари трансляцияси мониторингини олиб бориш масаласи бўйича ахборот тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан жаҳон йўлдошли технологияларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни Ўзбекистон Республикасида ривожлантириш истиқболларини ўзида акс эттирган "Ўзбекистон Республикасида йўлдошли алоқа тармоқларини ривожлантириш концепцияси"нинг янги тахрири кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Юридик шахслар томонидан ҳам сотиш мақсадида, ҳам ўз эҳтиёжлари учун республика ҳудудига олиб кираётган радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Нима учун айнан Янгибозор почта алоқаси тармоғи, деган савол туғилади. Бунинг сабаблари кўп. Гап шундаки, 2003 йилда ва яна қайта 2008 йилда жуда катта миқдордаги пул маблағлари шу тармоқда ўзлаштириб юборилган.

Мумкин бўлган босқичлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш якунларига кўра хулоса тай-явланиб, тармоқда пул маблағлари ҳаракатининг ахборотлаштириш тизими ва унинг компютердаги мониторинги ишлаб чиқилди.

ҳисоботлар мониторинги келиб чиқади:

• Хар бир почта алоқаси бўлими бўйича ҳар кунлик кириш ва чиқим ҳисоботи;

• Тармоқ бўйича нақд пул маблағлари кириши ва чиқими бўйича баланс ҳисоботи;

Янгибозорда янгича усул



Янги тизим семинар иштирокчиларига тушултирилади.

Тармоқда ва алоқа бўлиmlарида пул маблағлари ўзлаштирилишининг олдини олиш учун унинг келиб чиқиш омилларини, мавжуд ташкил этилган иш тартиблари ва сабабларини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқиш зарур эди. Шу билан бирга, олдин содир этилган ўғриликларнинг ҳар бир ҳолати бўйича тафсилотлар ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимидаги бошқа филиалларда ҳам содир этилган ўғриликлар таҳлили билан танишиб чиқилди.

Маълумки, почта корхоналари аҳолига кўп қиррали хизмат турларини кўрсатади. Айниқса, молиявий хизматлар, газ, электр энергияси ва хизматлар тўловларини қабул қилиш, пенсия ва ижтимоий тўловларни бажариш, обуна, сотув ва бошқа хизматлар бўйича ҳар ойда жуда катта миқдордаги нақд пул маблағлари айланади. Шунинг ҳисобига олиб, тармоқда нақд пулларнинг ҳаракати, бошқача айтганда, унинг оқими бўйича ўғрилиқ содир этилиши

Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

• Банкдаги барча ҳисоб рақамлардаги пул маблағларининг ҳаракати.

• Пенсия тўлови учун нақд пулларнинг банкдан олингандан бошлаб пенсионерларга тўлангунга қадар ҳаракати.

• Аҳолидан коммунал тўловлар ва бошқа хизматлар учун қабул қилинган нақд пулларнинг ҳаракати.

• Пул ўтказмалари хизмати бўйича маблағларнинг ҳаракати.

• Обуна хизмати бўйича маблағларнинг ҳаракати.

Ушбу йўналишлар бўйича ахборотлаштириш тизими, яъни маълумотлар билан таъминлаш тизимига мувофиқ, почта алоқаси бўлиmlлари бошлиқлари, тармоқдаги мутасадди ходимлар назорат маркази операторига ҳар кунги ёзма равишда ахборот етказиб берилди. Олинган маълумотлар компютерга киритилди ва улар асосида қуйидаги

• Хар бир почта алоқаси бўлими бўйича қабул қилинган коммунал тўловлар ҳисоботи;

• Туман газ ва электр энергияси таъминоти идоралари ва бошқалар билан ўзаро ҳисоб-китобнинг юриши;

• Тармоқ бўйича даромад тушумининг бориши.

Пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлови ҳақида почта алоқаси бўлиmlлари ҳар кунги ҳисобот берадилар, ушбу ҳисоботлар компютерга киритилди ва коммунал ҳар кунлик ҳисоботни чиқаради. Бунинг асосида ҳар ойлик пенсия ҳисоботларини компютер ўзи ҳисоблаб чиқариб қўяди.

Коммунал тўловларни қабул қилишдаги ўзлаштиришларнинг олдини олиш учун туман газ таъминоти идорасидан электрон қуришидаги абонентлар рўйхати олинди. Шу асосда мижозларнинг ҳар ойлик тўловлари ҳақидаги маълумотлар компютерга киритилди ва ойма-ой тўланиши мониторинги яратилди.

Янгибозор почта алоқаси тармоғи пул маблағлари ўзлаштирилишининг олдини олиш ва иш сифатини ошириш тадбирларини амалга оширишга жорий йилнинг март ойидан киришишни режалаштирган.

Раҳимжон ТУРҒУНОВ,
Янгибозор почта алоқаси тармоғи бошлиғи,
Собит АҲАДОВ,
"Хабар" мухбири

Такдимот

Самарқанд вилоят ахборот-кулубхона марказида Баркамол авлод йили Давлат дастурининг такдимот кечаси ўтказилди.

АКМ фаолиятида ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда "Соғлом она — соғлом бола", "Ўқув дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар", "Ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар" мавзулари бўйича Маълумот-библиография бўлимида махсус картотекалар ишлаб чиқиши, "Интернет" замонавий ахборот ва коммуникациялардан фойдаланиш бўйича ахборот технологиялар бўлими хизматини янада яхшилаш, ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида абонемент бўлими томонидан "Биринчилардан бўл", "Шашка ўйнаймиз" мавзуларида ёш китобхонлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ичкилибозлик ва гиёҳвандлик иллатлари ва бошқа мавзуларда услубий-библиографик қўлланма ва мультимедиялар тайёрлаш вазифаси белгилаб олинди.

М.КУЛОВА,
АКМ илмий-услубий бўлими мудири

DIAMOND
интернет-магазин

"eKarmon" тизими фойдаланувчилари учун янгилик!

<http://diamondpaper.ek.uz>
интернет-дўкони янги маҳсулот турлари билан бойиди. Интернет-дўкондан офис ёки уйингизга керакли бўлган канцелярия молларини харид қилиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, харидингиз 20000 сўмдан ортиқ бўлганда Тошкент шаҳри ҳудудида етказиб бериш хизмати бепул амалга оширилади.

➔ YANGI XIZMAT TURLARI

Дўкондаги янгилик

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, тижорат ва тадбиркорлик ишларини ривожлантириш, ушбу тизимда янги хизмат турлари комплексини жорий этиш орқали иш самардорлигини ошириш ва қўшимча даромадларни кўпайтириш мақсадида аҳолига янги хизмат турлари жорий этилди. Жумладан, матбуот шохобчаларида интернет карталари сотуви, халқаро телефон сўлашув карталари, аудио-видео дисклар сотуви, уяли алоқа телефонларига тўлов карталари сотуви, телефон-факс ва нусха кўпайтириш хизмати йўлга қўйилди. Ушбу қўшимча хизматлардан 2009 йил мобайнида мўлжалланган режага асосан 45 фоиз қўшимча даромад олишга эришилди.

Бундан ташқари, "Матбуот тарқатувчи" АК ва унинг таркибидagi корхона ва жамиятларда пластик карточалардан тўлов қабул қилиб олишга ихтисослашган банк терминаллари ўрнатилмоқда.

253-матбуот дўкони сотувчиси М.Миралиева биринчилар қаторида газета ва журналлар, канцелярия товарлари сотишни терминал орқали амалга оширмоқда. Масалан, январ ойи режасини ортиги билан бажарди. Феврал ойида ҳам газета ва журналларни терминал орқали сотиш ишларини фаол олиб бормоқда.

Бундай терминалларни бошқа матбуот дўконларига ҳам ўрнатиш ва иш самардорлигини ошириш режалаштириляпти.

Озода МУЗАФҒАРОВА,
"Матбуот тарқатувчи" АК ходими

REYTING

Дунёнинг энг қиммат брендлари

(миллиард АКШ доллари)

Компания	2010 йил	2009 йил
1. Wal-Mart	41,365	40,616
2. Google	36,191	29,261
3. Coca-Cola	34,844	32,728
4. IBM	33,706	31,530
5. Microsoft	33,604	30,882
6. GE	31,909	26,654
7. Vodafone	28,995	24,647
8. HSBC	28,472	25,364
9. HP	27,383	23,837
10. Toyota	27,319	21,995

* Brand Finance консалтинг компанияси таҳлили

Xalqaro haqot

Нефт савдоси: ХИТОЙ АҚШНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз нефт импорт қилувчи давлатларга сезиларли даражада таъсир ўтказмоқда. 2009 йилда Хитой Саудия Арабистони нефтини сотиб олиш бўйича АҚШдан ўзиб кетди. Шу даврга қадар Саудияда ишлаб чиқариладиган нефтга асосан АҚШ харидор ҳисобланарди.

The Financial Times газетасининг ёзишича, кейинги пайтларда Хитой Саудиядан нефт сотиб олишни икки баравар кўпайтирган, АҚШда эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли нефт истеъмоли камайган. Бундан ташқари, АҚШ президенти Барак Обама мамлакатни хом ашё қарамлигидан чиқариш сиёсатини юритмоқда.

ФИЛМОНДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Афғонистондаги коалиция кучлари раҳбари генерал Стэнли Маккрисл The Times газетасига интервью берди.

Генерал интервьюсида Филмон вилоятида толибларга қарши кескин олиб борилаётган жанглар яна бир неча ойга чўзилиши мумкинлигини таъкиллади. Унинг айтишича, ҳарбий амалиётлар кейинчалик Қандаҳор вилоятида давом этади. Қандаҳор Афғонистондаги иккинчи катта шаҳар ҳисобланади. 2001 йилгача бу ерда толибларнинг қароргоҳи жойлашган эди.

Филмондаги ҳарбий амалиётлар чоғида толиблар ихтиёридаги Маржа шаҳри ишғол қилинган.

ЁМҒИР ТОШҚИНГА АЙЛАНДИ

“Франс пресс” ахборот агентлиги хабарида айтилишича, Португалиянинг сайёҳлар билан гавжум Мадейра оролида ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарган.

Табийи офат натижасида қирқдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган, яна ўнлаб одамлар бедарак йўқолган. Шунингдек, ҳудуд инфратузилмасига жиддий зарар етган, автотранспорт қатнови, аэропорт фаолияти вақтинча тўхтаган.

АВТОБУСЛАР ТЎҚНАШУВИ

Перуддаги “Панамерикан” деб номланган автомагистралда кўнгилсиз воқеа юз берди.

Оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, автомагистралда икки автобус тўқнашиб кетган. Оқибатда қирққа яқин киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб йўловчилар жароҳатланган. Ҳозирча воқеа сабаблари номаълум, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Eva — ЁКИЛҒИСИЗ ЮРАДИ

Финляндиянинг Valmet Automotive автомобилсозлик компанияси томонидан электр энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи янги автомобиль ишлаб чиқарилди.

Eva деб номланган бу машина тўрт кишига мўлжалланган бўлиб, ҳеч қандай ёкилғисиз, ўз аккумулятори ёрдамида 260 километргача бора олади. Ушбу автомашина март ойида Женевада бўлиб ўтadиган кўргазмада намойиш этилади.



MOBIL ALOQA

VODAFONEДАН АРЗОН ТЕЛЕФОНЛАР

Vodafone халқаро мобил алоқа оператори ривожланаётган мамлакатлар учун мўлжалланган “энг арзон” телефонлар (Vodafone 150 ва Vodafone 250) тақдимотини ўтказди.

Дастлаб Ҳиндистон, Туркия, Конго, Гана, Кения, Лесото, Мозамбик, Қатар, ЖАР ва Танзанияда сотувга чиқариш режалаштирилган бу телефонларнинг нархи 15-20 доллар қилиб белгиланган.

Классик моноблок шаклидаги бу телефонлар асосий функцияларни қўллайди. Vodafone 150 кичик монохром дисплейга эга, Vodafone 250нинг экрани эса бирмунча катта бўлиб, рангли, FM радиоси ҳам бор.

WWW

АНОНИМ САЙТЛАР

Тўқсон миллионга интернет-манзил соҳиблари ўзлари ҳақида қисман ёки нотўғри маълумот беришган — домен номларини рўйхатга олувчи ICANN корпорацияси шундай тўхтамга келди.

Аниқлинишича, бор-йўғи 23 фоиз сайтнинг эгаси ва манзили ҳақидаги маълумотлар ҳақиқатга тўғри келади. Доменларнинг 29 фоизиди ёлгон ёки шубҳа уйғувчи маълумотлар мавжуд бўлса, 48 фоиз сайт хўжайинлари ё маълумот қолдиришни истамаган ёки шундай қоида борлигидан бехабар.

Кўп экспертларнинг фикрича, рўйхатга олиш маълумотларини текшириш борасида мукамал тизимнинг мавжуд эмаслиги кибержиноятчиликнинг ўсишида асосий омиллардан бўляпти.

MOBIL INTERNET

OPERA MINI: Фойдаланувчилар сони 50 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

Opera компаниясининг маълумот беришича, 2010 йил январ ойи охирига келиб унинг мобил браузер — Opera Minидан фойдаланувчилар сони 50 миллион кишига етган. Маълумотларни зичлаш бўйича сервер технологияси қўлланган мазкур браузер саҳифаларни мобил қурилмага юклашда деярли 90 фоизгача ихчамлаштириб беради. Бу, табиийки, трафикни тежаш ва мобил интернет харажатларини камайтиришга хизмат қилади.

Gartner компаниясининг хабар беришича, 2013 йилга бориб мобил телефонлар интернетга уланувчи энг оммавий қурилмаларга айланиши кутиляпти.

MOBIL TIJORAT RIVOJLANMOQDA

ABI Research таҳлил компанияси мобил тижоратга доир навбатдаги тадқиқотини ўтказди.

Маълум бўлишича, 2009 йилда жаҳон бўйича мобил банкингдан фойдаланувчи миқозлар сони 52,1 миллионга етган. Уларнинг тенг ярмини Осиё-Тинч океани минтақаси аҳолиси ташкил этади.

Ўтган йили мобил тижорат соҳасида энг юқори ўсиш АҚШда кузатилган (2008 йили — 396 миллион доллар, 2009 йили — 1,2 миллиард доллар). Бу дунё онлайн савдосининг деярли 1 фоизини ташкил этади.

Шимолий Америкада онлайн савдолар оммалашиб бормоқда, шунга қарамадан, бу жабҳада Япония етакчи ҳисобланади — “қунчиқар мамлакат”даги онлайн савдонинг 20 фоизи айнан мобил телефонлар орқали амалга ошяпти.

ALOQA OLAMIDA

TEKNOLOGIYALAR

ЯНГИ ТЕЛЕФОН ТАҚДИМОТИ

Барселонадаги Mobile World Congress кўргазмасида Германиянинг iDent Technology компанияси атрофдаги электр майдони тебранишлари таъсирида ишлайдиган телефон тақдимотини ўтказди.



Бу телефонга қўнғирок бўлганда қўлга олинса бас, ўз-ўзидан телефон овозли алоқа сессияси бошлайди. Агар телефон кутиш тартибида турган бўлса, қўлга олиниши билан SMS ёки телефонлар рўйхатини очади. Ишлатиб бўлгандан сўнг аппарат столга қўйилса ёки чўнтакка солинса, автоматик равишда барча очиқ турган саҳифалар ёпилиб бош менюга чиқилади.

Янги технология 2011 йилдан қўл телефонларда оммалашини кутиляпти.

MOBIL-TV

ТЕЗКОР ТЕЛЕВИДЕНИЕ

АҚШда апрел ойдан янги тоифа қурилмалар (портатив телевизорлар, ноутбуклар, мобил телефонлар ва ҳокazo) учун рақамли сигнал (Mobile DTV) узатиш бошланади. Бунинг учун Атланта, Чикаго, Лос-Анжелес, Сиэтл ва Вашингтондаги жами 30та станцияга 75 мингдан 150 минг долларликкача бўлган тегишли ускуналар ўрнатилди.

Mobile DTV стандартидаги сигнални қабул қилиш учун махсус мослама зарур бўлади. Сигнални катта тезликда кетаётган автомобилда ҳам бемалол қабул қилиш мумкин. Тасвир сифати бузилмаслиги учун фойдаланувчининг ретрансляция станциясининг 100 километрлик радиусида бўлиши талаб этилади.

TAHLIL



(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

ИМКОНИАТЛАР

Вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш доирасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Аввало шуни айтиш керакки, Бухоро вилояти шаҳар ва туман ҳокимликлари корпоратив ва локал тармоғи 2005-2006 йилларда қуриб ишга туширилган бўлиб, унга 14та ҳокимлик ва 33та ташкилот уланган.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида 154та электрон почта манзили мавжуд ва ёзишмалар ушбу почта манзиллари орқали амалга оширилмоқда. Электрон рақамли имзо калитлари фойдаланувчилари сони 20 нафарга етказилди ва қўшимча 25та калит фаоллаштирилди. Вилоят ҳокимлигининг веб-сайти 2003 йил октябр ойида ишга туширилган ва у вилоят миқёсида амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам янгилашиб борилаётди.

АКТнинг бу янги хизмат турлари вилоят, ташкилотлар орасида ҳужжат алмашишининг тезлашуви, ошқораликни таъминлаш, пировардида эса ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган фармон ва қарорларнинг кенг миқёсда бажарилишини таъминлаш имкониятини бермоқда.

ИНТЕРНЕТ

Бугунги кунда вилоятда интернетдан фойдаланувчилар сони 184,8 минг нафар бўлиб, аввалги йилга нисбатан ўсиш 116,2 фоизни ташкил этапти. Аҳоли яшаш масканларининг 43тасида жамоавий интернет хизмати кўрсатувчи шохобчалар мавжуд, бу умумий аҳоли яшаш масканларининг сониغا нисбатан 2,83 фоиздир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 34та жамоавий интернет хизмати кўрсатувчи шохобчалар ташкил этилиб, интернет-кафеалар сони 85тага етказилди.

Айни пайтда маҳаллий ҳокимиятлар ва давлат бошқаруви органларининг 25,6 фоизи, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2,78 фоизи интернет тармоғига уланган. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги 1270 Мбит/сони ташкил этапти.

Вилоят ҳудудида фаолият юритаётган 10та телекоммуникация оператори ва интернет провайдерлари интернетга уланган жами 1438та портга сифатли хизмат кўрсатиш учун ҳаракат қилишмоқда.

— Вилоятимизда интернет тармоғига симсиз улашиш технологиялари жорий этилган бўлиб, симли алоқа тармоқлари етиб борманган ҳудудлардаги 593 нафардан ортиқ абонентларга симсиз интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратдик, — дейди ЎзААнинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ўроқ Тўхтаев. — Шунингдек, ўтган 2009 йилда рақамли телевидение кўрсатувларини эфирга узатиш йўлга қўйилди. Келгусида "Set-Top-Box" қурилмалари ёрдамида абонентларга рақамли теледастурларни етказиш билан бир вақтда интернет хизматларини кўрсатиш ҳам амалга оширилади.



Бухоро вилоятининг умумий майдони 39400 квадрат километр бўлиб, қуруқ иқлимга эга. Аҳолиси сони бир ярим миллион нафардан ортиқ, шундан қарийб 68 фоиз кишлоқ жойларида истикомат қилади. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, бугдой, қорақўл тери ва табиий ипақдир. Дехқончилик вилоятнинг фақат суғориладиган ерларида олиб борилади.

Бухоро шаҳридаги халқаро аэропорт, замонавий коммуникация тизимлари, халқаро талабларга жавоб берадиган 50дан ортиқ меҳмонхона, гўзал ва бетакрор тарихий обидалар бу вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар қалбида абадий муҳрланиб қолади.

Қишлоқда АКТ

Бухоро вилояти мисолида

ТАДБИРКОРЛИК

Ўтган йил мобайнида вилоят ҳудудида, айниқса, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодийдаги салмоғини ошириш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир йилнинг ўзида 26та хўжалик юритувчи субъектга аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш учун лицензиялар берилди. Бугунги кунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги лицензияси асосида 155та хўжалик юритувчи субъект замонавий телекоммуникация, маълумотлар узатиш, интернет ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда.

ТЕЛЕФОНЛАШТИРИШ

Вилоят ҳудудининг симли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиниш даражаси шаҳар ва туманлар марказларида 100 фоизни, қишлоқ аҳоли масканларида 98 фоизни, телефон станцияларини рақамлаштириш даражаси эса 87,5 фоизни ташкил этмоқда.

Мобил алоқа абонентларининг умумий сони 916281 нафар бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,8 фоиз ўсишга эришилди демакдир. Асосий телефон аппаратларининг зичлиги ўртача ҳар 100 кишига симли алоқа тармоғида 6,44тани, мобил алоқа тармоғида 58,2тани, вилоят ҳудудини мобил алоқа тармоғи сигналлари билан қамраб олиш даражаси 90 фоизни ташкил этапти.

Бугунги кунда вилоятдаги барча коллеж ҳамда лицейлар, мактабгача таълим муассасалари, шунингдек, шифохона ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ телефонлаштирилган.

“Ўзбектелеком Мобайл” филиали томонидан Хитой Халқ Республикаси “Эксимбанки”нинг кредити ҳисобига олтига мобил алоқа база станциялари ишга туширилиб, вилоятнинг 80 фоиз ҳудуди “ЎзМобайл” алоқа сигналлари билан таъминланди.

Почта алоқаси бўлимларида ҳам

АКТ негизда замонавий хизматлар кўрсатишни жорий этиш, хизматлар сифатини яхшилаш ва соҳани янада ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 16та почта алоқаси бўлимида телекоммуникация, интернет, маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатиш ҳамда 12та почта алоқаси бўлимида электрон пул жўнатмалари қабул қилиш шохобчалари очилган.

АКТни ривожлантиришга бўлган бундай эътибор вилоятда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларида, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш каби соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларда, хорижий меҳмонларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатаётган 20дан ортиқ сайёҳлик компаниялари фаолиятида акс этиб турибди.

БОШҚА ВИЛОЯТЛАРДА...

Бу борадаги фикрларни ЎзААнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мутахассиси Жамолдин Пулатов куйидагича баён этади:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 117-қарори билан телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўналишлари, давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, миллий ахборот-қидирув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастурлари тасдиқланган. Мазкур қарор масъул ижро органлари, тегишли соҳа, қорхона ва ташкилотлар томонидан босқичма-босқич амалга татбиқ этиб келиняпти.

Ҳар бир ҳудудда қарор ижросини таъминлаш борасидаги ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, вилоятларда корпоратив ва локал тармоқлар ташкил этилганлиги, веб-саҳифалар жойлаштирилганлиги, вилоят ва туман ҳокимликларида

электрон почтадан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги ва электрон рақамли имзо калитлари билан таъминланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ишлар Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида яхши ташкил этилган. Қолган вилоятларда ҳам аҳволни яхшилаш борасида ишлар олиб бориляпти.

Бугунги кунда республикаимизнинг барча вилоят ҳокимликларида компютерлаштириш марказлари ташкил этилган. Ушбу марказларнинг асосий фаолияти ҳокимликларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишини янада кучайтиришдан иборат. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идоралар томонидан АКТ соҳасида олиб бориладиган ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида саволнома тузилиб, NIS.UZ сайтга жойлаштирилган ҳамда у тўлдириб борилмоқда.

Агентлик раҳбарияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “2009-2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари режаси” ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва компютерлаштириш марказлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишларда амалга оширилган ишлар ҳамда ечилиши лозим бўлган муаммолар муҳокама қилиниб келинмоқда.

Келгусида маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўртасида корпоратив ва локал тармоқни тўлиқ ишга тушириш, электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш, вилоят веб-сайтида туман ҳокимликларининг веб-сайтларини яратиш, ҳокимликларда компютерларни интернет тармоғига қиқиш имкониятларини янада кўпайтириш, электрон ҳужжатлар алмашув тизимини янада ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Муборак МИРҚАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири

Форум «День инноваций Microsoft в Ташкенте»

Корпорация Microsoft, мировой лидер в области производства программного обеспечения и инноваций, провела 23 февраля 2010 года в Ташкенте Форум «День Инноваций Microsoft». Это значимое событие в области информационных технологий в Узбекистане проводилось при поддержке Узбекского агентства связи и информатизации.

День Инноваций Microsoft в Ташкенте проводится в третий раз и ориентирован главным образом на профессионалов в области информационных технологий, объединяя ведущих мировых экспертов и ИТ-специалистов Узбекистана. В этом году мероприятие собрало более 400 человек, которые представляли государственный, финансовый, промышленный и образовательный секторы экономики Республики Узбекистан.

Для выступления на Форуме в Ташкент прибыли с официальным визитом представители Штаб-квартиры корпорации Microsoft по Центральной и Восточной Европе: Роланд Хофманн - директор по работе с Правительственными организациями, Вим Дерик - руководитель управления продуктовой линейки

Office, Джим Леви - директор департамента по работе с корпоративными клиентами — «Информационные технологии не только являются важнейшим компонентом в структуре мировой экономики в целом и отдельных стран, в частности, но и катализатором позитивных сдвигов, ключевым фактором для развития других стратегически важных отраслей.

«Мы восхищены успехами и прогрессом в области инноваций в Вашей республике и тем вниманием, которое уделяет лично Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов и Правительство Узбекистана развитию информационных технологий. В этой связи Корпорация Microsoft готова сделать все возможное для содействия долгосрочному экономическому и социальному про-



цветанию Узбекистана, а также активно способствовать построению передовой инновационной экономики мирового уровня, базирующейся на знаниях. Мы делаем все это, потому что уверены: внедрение и эффективное применение самых современных технологий позволит еще более увеличить экономические показатели страны и готовить высококвалифицированных специалистов для решения задач, которые будут стоять перед Вашей Великой Республикой в будущем», отметила Управляющий бизнесом Корпорации Microsoft в Центральной Азии Татьяна Телегина в своем приветственном слове гостям и участникам Форума, выразив особую признательность руководству Узбекского агентства связи и информатизации за содействие во всех наших инно-

вационных начинаниях».

Программа Форума была чрезвычайно насыщенной, и в её рамках была максимально освещена надежная и удобная клиентская операционная система Microsoft Windows 7, которая позволяет обеспечить полноценную удаленную работу в корпоративной сети без VPN, имеет технологии сбережения сетевого трафика и энергопотребления, предоставляет новые возможности для управления ИТ-инфраструктурой и позволяет обеспечить безопасность на принципиально новом уровне. Также на мероприятии были представлены новые инновационные технологии Microsoft Office 2010, Microsoft SharePoint Server 2010, Microsoft Visio 2010, Microsoft Project 2010, Microsoft Office Mobile 2010 и Office Web Apps для корпоративных клиентов и другие.

Особое внимание было уделено тому, что вся серия 2010 была создана специально для того, чтобы пользователи могли одинаково эффективно и удобно работать, вне зависимости от того, используют ли они персональный компьютер, мобильный телефон или веб-браузер.

Современный центр обслуживания

В рамках расширения сети центров обслуживания Nokia Care в странах Юга СНГ компания в партнёрстве с локальным дистрибьютором «Hello Mobile» открыла в Ташкенте центр обслуживания.

В новом сервисном центре «Hello Tech», наряду с ремонтом устройств и гарантийным обслуживанием, пользователи могут получить у специалистов полезную информацию о возможностях современных устройств.

Глава Nokia в странах Юга СНГ Карел Холуб на пресс-конференции, посвященной открытию центра, отметил, что для Nokia на территории Центральной Азии рынок Узбекистана на сегодняшний день является одним из приоритетных.

В ближайшем будущем компания в рамках расширения сети центров обслуживания в странах ЮГА СНГ планирует провести в Узбекистане специальную акцию, направленную на повышение уровня осведомленности потребителей при выборе качественной сертифицированной продукции.

Обращаясь в центр по обслуживанию, клиент получает современные приложения к телефону Nokia абсолютно бесплатно.



Менеджер по работе с клиентами Nokia в Узбекистане Бахтиёр Касымов отметил, что теперь пользователи благодаря осведомленности о преимуществах и отличиях оригинальных продуктов Nokia, смогут без риска выбрать сертифицированные модели.

Главной миссией центра является предоставление информации, которая позволит избежать покупки некачественных устройств.

Андрей Анисимов назначен исполняющим обязанности Генерального директора ООО «Unitel»

Генеральный директор ООО «Unitel» Игорь Пилотин завершает работу в Узбекистане в связи с истечением срока договора. Исполняющим обязанности Генерального директора ООО «Unitel» назначен Андрей Анисимов, директор по региональному развитию.



И.Пилотин продолжит свою деятельность в Группе компаний «ВымпелКом» в направлении развития мобильного интернета в России.

Игорь Пилотин возглавил операции «Билайн» в Узбекистане два года назад. За это время компания первой в стране запустила в коммерческую эксплуатацию сеть третьего поколения, предложила ряд тарифных планов с посекундной тарификацией и в национальной валюте, завершила интеграцию мобильного и фиксированного бизнеса «Unitel» и «Buzton», разработала конвергентные продукты.

«Узбекистан навсегда останется в моем сердце как необыкновенно гостеприимная и солнечная страна. Я благодарен за всестороннюю поддержку со стороны команды «Unitel» и «Buzton», и желаю коллегам новых бизнес-идей и успешной реализации самых смелых проектов», — сказал Игорь Пилотин.

В РОССИЙСКИХ САМОЛЕТАХ РАЗРЕШИЛИ ПОЛЬЗОВАТЬСЯ СОТОВОЙ СВЯЗЬЮ

Пассажиры российских авиарейсов отныне смогут пользоваться во время полета услугами сотовой связи: госкомиссия по радиочастотам разрешила устанавливать на борту воздушных судов базовые станции стандарта GSM. Телефоны будут работать на высоте не менее 3 тысяч метров, а при меньшей — будут отключаться автоматически. Таким образом, исключается создание помех в наиболее ответственных фазах полета - при взлете и посадке.

Как заявил руководитель секции Национальной радиоассоциации Виктор Глушко, решение комиссии даст сотовым операторам возможность сразу приступить к внедрению своих сетей — при наличии соответствующих лицензий.

АМЕРИКАНСКИЕ УЧИТЕЛЯ ШПИОНИЛИ ЗА УЧЕНИКАМИ ЧЕРЕЗ НОУТБУКИ

В суд штата Флорида поступил иск от разгневанных родителей учащихся нескольких школ школьного округа Lower Merion. Три средних школы округа обвиняются в том, что вели наблюдение за учащимися с помощью веб-камеры, установленных в ноутбуках, которые выдавались школьникам.

Подавшие иск родители требуют возмещения ущерба за вторжение в частную жизнь, кражу личной информации и незаконный доступ к электронной информации.

Наблюдение производилось как во время занятий, так и в домах учащихся. Администрация школ могла активировать камеры дистанционно, сообщает news2day.ru.

ОТ ХАКЕРСКОЙ АТАКИ ПОСТРАДАЛО БОЛЕЕ 75 ТЫСЯЧ КОМПЬЮТЕРОВ

Выявлена одна из крупнейших и наиболее изощренных на данный момент хакерских атак, которая началась еще в конце 2008 года.

Как сообщает газета The Washington Post, работающей в области компьютерной безопасности, от атаки пострадали свыше 75 тыс. компьютерных систем, она коснулась почти 2500 компаний в США и других странах.

Атаку, прозванную Kneber bot, «осуществляла шайка, которая базировалась в Восточной Европе». Хакеры обманом склоняли сотрудников фирм к скачиванию зараженных программ-ботов или побуждали их открывать электронные письма с зараженными вложениями.

Xabarl+tv

ДУШАНБА — 1 МАРТ

ОТРАКЕСТОН

Профилактика
14.55 Курсутовлар дастури.
15.00 «Тахлинома».
15.40 «Ватанпарвар».
16.20 «Умр дафтари».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Агар Сиз...»
«Болалар саиёраси»
17.35 «Эрталаклар - яшилликка етаклар».
17.55 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Баҳор»
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос»
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.50 «Соклиқка даъват».
19.15 «Ифтихор»
19.20 «ТВ - шифкор»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.10 «Чаммак чаммак туғида» В.ф.
20.40 «Ватанимни қуйламан».
21.00 «Ахборот»
21.55 «Менинг оилам»
22.00 «Нафс балоси» Т/с.
22.50 «Иқлим»
23.00 «Метро: учинчи йил» Б.ф.
23.45 - 23.55 Тунги наволар.
«Давкистан»
23.55 Курсутовлар дастури.
24.00 «Менинг оилам»
00.30 «Умр дафтари»
00.50 «Нафоси слайд»
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Ватанпарвар»
2.10 «Истеъдод»
2.30 - 3.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Салом, ёшлар!»
4.00 «Ахборот»
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чоракхалариди»
5.20 «Икки дарё оралиғида»
5.40 - 5.55 Тонги наволар.



6.55 Дастуринг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
7.30 «Давринг боласи»
7.40 «Мультипаролам»
8.00 Миллий сериал: «Қалдир-очлар яна кайтади»
8.35 «Қултам парвози»
8.40 «Ассалом, баҳор!»
9.00 «Қайси юлдуздансиз?» Т/с.
9.50 «Зубек адабиёти»
9.55 «Иклим»
10.00 «ДАВР» - Ҳафта якуни.
10.30 «Yoshlar-FM»
11.00 2010 - Баркамол авлоди йили: «Келажақ эгалари»
11.10 «Тарих дарси»
12.00 Миллий сериал: «Тугаш тақдирлар»
12.50 «Хуш келибсан, фаслар келинчаги»
13.00 «Қамолот» хабарлари.
13.10 «Давринг боласи»
13.20 «Миллий мультфильм»
13.40 «Сирли ўрмонча»
14.00 «Салом, баҳор!»
14.30 «Мужизавий дунё»
15.00 «Бугундан эсдалик»
15.20 «Инсон психологияси»
15.50 «Зумрад болар»
15.55 «Баркамоллик сари»
16.00 «ДАВР»
16.10 «Давринг боласи»
16.20 «Мультянкарам»
16.50 «Биология дарси»
16.45 «Кичкинтойлар боғи»
16.55 «Ассалом, баҳор!»
17.00 «Қалитан Немо» Б.ф.
17.15 «Муғола»
18.40 «Ватан меҳри»
18.50 «UZEX»
18.55 «Аёлга таъзим».

19.00 «ДАВР»
19.30 Миллий сериал: «Тугаш тақдирлар»
20.20 «Автопатруль»
20.40 «Ҳикоя»
21.00 «Иқлим»
21.05 «Қайси юлдуздансиз?» Т/с.
21.55 «Телтуғра»
22.00 «ДАВР»
22.30 Кинохассика: «Чингачук - Катта Илон»
00.00 «Хайтбаҳш наволар»
00.50 «Юрт тинчилиги»

ТОШКЕНТ

7.25 Курсутовлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент»
8.30 «Иқинча малика» Б.ф.
9.55 Мумтоз наволар.
10.00 «Эсмэралда» Т/с
10.30 «Карвонсарой»
10.40 «Сарғуашталар ороли»
11.10 «Маликанинг қуддликлари 2» Б.ф.
13.00 «Салом, Тошкент»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Йиларим»
15.00 «Пойтахт»
15.10 «Эсмэралда» Т/с
15.40 «23, 5 даражали бурчак оғзида» Х/ф.
16.30 «Карвонсарой»
16.40 «Занғори филча» М/ф.
17.15 «Боғалика қайтиб»
17.40 «Хушхушоқ масхалати»
17.45 «Тошкентда латифа»
17.50 «Йиларим»
18.00 «Пойтахт»
18.25 Миллий сериал: «Бог»
14.25 «Яқунвочи»
18.50 «Тошкентинг илм масканлари»
19.25 Миллий сериал: «33-қисм»
20.00 «Пойтахт»
20.20 Бизнес-Пойтахт»
20.25 «Анчик ёлгон» Т/с.
21.00 «Аёл қалби»
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт» /рус/.
21.50 «Бульте здоровья»
22.00 «Кино SMS со звездами»
22.05-23.50 «Шағ вперёд» Х/ф.

SPORT

6.25 «Хайри тонги»
8.30 ХХI Қишки Олимпиада Уинларнинг.
тантаначи ёпилиши. Турнидан турли олимп куратиллади.
9.00 ХАБАРЛАР.
9.10 Анно.
9.15 «Спорт»да янги мавсум.
9.30 «Малҳоҳов +-»
10.20 ХХI ҚИШКИ ОЛИМПИАДА УИНЛАРИДА.
13.20 Баскетбол. Ўзбекистон кубоғи.
14.00 Рақамлар, натиқалар, рейтинглар.
18.00 Болалар майдончаси.
«Спортландия». Мультфильм.
18.30 «Арена»
18.45 ХАБАРЛАР.
19.00 Анно.
19.05 Халқ уйилари.
19.10 ХХI Қишки Олимпиада Уинларнинг.
тантаначи ёпилиши.
21.10 Футбол шарҳи.
21.45 ХАБАРЛАР.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 ИнтерФутбол.
23.25 Тунги хабарлар.
00.05 «Хайри тун!»

1 БИРИНЧИ

04.00,08.05 «Добро утро»
08.00,11.00,14.00 Новости
08.30 Малахов +
09.30 Модный приговор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Жақост»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить»
14.15 Сериал «Обручальное кольцо»
15.15 Сериал «Спальный район»
15.50 Федеральный судья
17.00 Вечерние новости
17.20 «Давай поженимся!»
18.10 Сериал «След»
18.50 «Жди меня»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Попытка Веры»
21.30 «Владислав Листьев. Мы помним»
22.30 «Школа»
23.00 Ночные новости
23.10 «Познер»
00.15 Гении и злодеи

РОССИЯ 1

22.50 Понедельник, 1 марта
04.55 Церемония закрытия Зимних Олимпийских игр.
06.30 «Утро России»
09.05 Х/ф «Единственная»
11.00,14.00,17.00,20.00 «Вести»
11.30,14.30,17.15 «Вести - Москва»
11.50 Х/ф «Сладкая женщина»
13.40 «Духовная часть»
14.50 Х/ф «Найденыш»
16.30 «Кутягин и партнеры»
17.35 Т/с «Ефросинья»
18.35 Т/с «Дворки»
19.00 Т/с «Слово женщине»
20.30 «Местное время, Вести»
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с «Котовский»
00.50 «Олимпийское спокойствие. Секреты безопасности»

НТВ

06.05 Т/с «Грация де Монсоро»
07.00 «Сегодня утром»
08.30 «Кулининский поединок»
09.30 «Кто. Обзор за неделю»
10.00,13.00,16.00,19.00,23.15 «Сегодня»
10.20 «Средний класс»
11.00 Т/с «МУР есть МУР 2»
12.00 «Суд присяжных»
13.30 Т/с «Закон и порядок»
15.30,18.30 «Кто. Обзор»
16.30 Т/с «Возвращение Мухомета 2»
19.30 Т/с «Глухарь. Продолжение»
21.30 Т/с «Тульский - Токарев»
23.35 «Честный понедельник»
00.25 «Школа зловещих В. Бавартов»
01.15 «Роковой день»
07.00 «Евроночь»
10.00,13.30,19.30,23.30 «Новости культуры»
10.20 «Кто там...»
11.00 Х/ф «Анна Кристи»
12.25 «Питое измерение»

РОССИЯ K

12.55 Спектакль «Дом»
15.35 «Я не люблю расступать узы»
16.00 Мультфильмы
16.30 Т/с «Тобег Артура Доджера»
16.55,01.40 Д/с «Обезьяны-воршики»
17.20 «Иван Майский: ошибка дипломата»
17.50 Д/ф «Пьер де Кубертен»
18.00 Д/ф «Искусство Шопена»
19.05 «В главной роли...»
19.55 Д/ф «Вся правда о Ганинибале»
20.45 «Абсолютный слух»
21.25 «Острова»
22.05 «Тем временем»
23.00 Д/с «Бабий век»
23.55 Д/ф «Дом, которого еще не было»
00.30 Д/ф «Шоферская баллада»

СТС

08.00 Т/с «Джинн дома»
08.55,15.30 Мультсериалы
09.30,11.30,16.30,21.00 Т/с «Палачи доки»
10.30,22.00 Т/с «Воронья»
11.00 «6 карбов»
12.00,14.00,19.30 «Галилео»
13.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
14.30 Т/с «Рыжак»
17.30 Т/с «Сабрина — маленькая ведьма»
18.00 Т/с «Настоящий Арон Стюарт»
20.30 «6 карбов»
23.00 Т/с «Маргоша»
00.00 Х/ф «Дум»

ТВ3

08.00 Д/ф «Тайные знаки»
09.00 Решеты судьбы
10.00 Мультфильмы
11.00,19.00 Т/с «Удивительные странствия Геракла»
12.00,02.00 Т/с «Звездные врата: Атлантида»
13.00 Т/с «День рождения Бурака»
14.00,22.00 Д/ф «Тайные знаки»
15.00 Д/ф «Затерянные миры»
16.00 Х/ф «Крулл»
18.00 Т/с «На краю Вселенной»
19.00 Т/с «Прыгунчики»
21.00 Т/с «Медаль»
23.00 Д/ф «Охотники на монстров»
00.00 Х/ф «Птеродактиль»

THT

06.00 «Необъяснимо, но факт»
07.00 «Такси»
07.35,11.30 Мультсериалы
08.30,01.00 Т/с «Друзья»
09.30,20.00 Т/с «Универ»
10.30,18.30 Т/с «Счастливы вместе»
13.30 Т/с «+H2O. Просто добавь воды»
14.00 «Саша + Маша»
14.30 «Битва экстрасенсов»
15.40 Х/ф «Обитель зла 2: Апокалипсис»
17.30 Т/с «Барвиха»
19.30 «Женская лига»
21.00 Х/ф «Женки напротив»
23.00 «Дом 2»

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
7.00 «Иклим».
7.10 «Одам ва одам» дастури.
«Экспедиция».
8.00 «Ахборот».
8.35 - 9.35 «Маянавий» дастури.
«Болалар сайраси»:
13.35 «Айойиб қўшиқчоқ», М/ф.
9.55 «Бизнинг тубоқча»,
10.15 Наманган вилояти теледидеокомпанияси намойиш этади:

1. «2010 йил - Барқамол авлод йили».
2. «Соғлом она, соғлом бола - соғлом миллат».
10.35 «Икки дарё оралигида».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот», (инглиз/и/)
12.00 «Ассалом, Узбекистон!»
12.50 «Иклим».
2.55 «Ифтихор».
13.05 «Намжон чанган тунда». В/ф.
«Болалар сайраси»:
13.40 «Пиг ва Понг», М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт», Ток-шоу.
15.05 «Одам ва одам» дастури:
«Жанубий Америка табиқати».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Дунё манзаралари».
16.30 «Наврўз соғини».
16.40 «Икки дарё оралигида».
- 20.30 Саломатлик хазинаси.
- 20.35 «Спортда премьеря».
- «Футбол академияси» («Нант», Франция) Хужжати сериал.
- 21.00 «БРЕНД - РИНГ».
- Интеллектуал ўйин.
- 21.45 ХАБАРЛАР.
- 22.00 Саломатлик хазинаси.
- 22.05 «Антка слушаёт».
- 22.50 ИнтерФутбол.
- 00.40 Тунги хабарлар.
- 00.50 «Хайрли тунг!».

БИРИНЧИ

- 04.00 08.05 «Доброое утро».
- 08.00 11.00, 14.00 Новости
- 08.30 Малюхов
- 09.30 Модный приговор
- 10.25 Контрольная закупка
- 11.20 «Участок»
- 12.20 «Детективы».
- 13.00 Другие новости
- 13.25 Понять. Простить
- 14.15 Сериал «Обручальное кольцо».
- 15.15 Сериал «Спальный район».
- 15.50 Федеральный судья
- 17.00 Валерия и новости
- 17.20 «Криминальные хроники».
- 17.50 «Поле чудес».
- 18.55 «Пусть говорят».
- 20.00 «Время».
- 20.30 Х/ф «Любовь в большом городе».
- 22.10 Х/ф «Переводчица».
- 00.20 Х/ф «Чай с Муссолини».

РОССИЯ 1

- 05.00 «Утро России».
- 09.05 «Муссолини».
- 09.55 «Мой свердловский шар».
- 10.10 Т/с «Срочно в номер 2».
- 11.00 14.00 17.00 20.00 «Вести».
- 11.30 14.30 17.15 «Вести - Москва».
- 11.50 Т/с «Тайны следствия».
- 12.45 Т/с «Территория красоты».
- 13.40 «Джуриал части».
- 14.50 Т/с «Бизов».
- 15.45 «Суд идет».
- 16.30 «Юристы и партнеры».
- 17.35 Т/с «Евросония».
- 18.35 Т/с «Дарюси».
- 19.00 Т/с «Слово женщине».
- 20.30 «Местное время. Вести».
- 20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21.00 «Крыное зеркало».
- 23.40 Х/ф «Мозек».
- 01.35 Х/ф «Блудк 3: Троица».

НТВ

- 06.05 Т/с «Графия де Монсоро».
- 07.00 «Сегодня утром».
- 08.30 «И снова здравствуйте!».
- 09.30 «Слово опасное».
- 10.00 13.00 16.00 19.00 «Сегодня».
- 10.20 «Средний класс».
- 11.00 Т/с «МУР есть МУР 2».
- 12.00 «Суд присяжных».
- 13.30 Т/с «Закон и порядок».
- 15.30 18.30 «ЧП. Обзор».
- 16.30 Т/с «Возвращение Мухомта 2».
- 19.30 «Следствие велит...».
- 20.30 «ЧП. Расследование».
- 20.55 «А. Серов. Я люблю тебя до слез».

- 22.50 Х/ф «Мамма миа!».
- 01.05 «Женский взгляд» А. Защепин.

РОССИЯ К

- 06.30 «Евронояс».
- 10.00 15.30 19.30 23.30 «Новости культуры».
- 10.20 «В главной роли...».
- 10.50 Х/ф «Эпохальные Полины».
- 12.40 «Художественные музеи мира».
- 13.05 Д/ф «Вся правда о карибских пиратах».
- 13.55 «Живое дерево ремесел».
- 14.10 Х/ф «Последий Чичиты».
- 15.35 «Садко» Л. Дробнева.
- 16.00 «8 мушей - без повода».
- 16.15 М/ф «Три толстяка».
- 16.50 «35 семью печатями».
- 17.20 «Разночтения».
- 17.50 Д/ф «Королева Виктория».
- 18.00 К-200-летию со Дня рождения Фридерика Шопена. Ильяш И. Погорелин.
- 18.30 «Вокруг света».
- 19.10 Д/ф «Троя».
- 19.50 «Сферы».
- 20.30 Х/ф «Диарка».
- 22.05 «Львица жинин».
- 23.00 Д/с «Сабий везек».
- 23.50 Т/с «Кростка Дорриг».
- 01.35 Д/ф «Сервис Фрейер».

СТС

- 08.00 Т/с «Джинн дома».
- 08.55 15.30 Мультсериалы
- 09.30 11.30 16.30 21.00 Т/с «Патини домки».
- 10.30 22.00 Т/с «Воронины».
- 11.00 20.30 «Б кардов».
- 12.00 Т/с «Маргоша».
- 13.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 14.30 19.30 «Гиделор».
- 14.30 Т/с «Рыбак».
- 17.30 Т/с «Сабрина — маленькая ведьма».
- 18.00 Т/с «Настоящий Арон Стоун».
- 20.30 Х/ф «Мышьяки охота».
- 00.50 Д/с «Двадцать колодез».
- 01.20 Т/с «Гальенлик».

ТВ3

- 08.00 15.00 Д/ф «Горские легенды».
- 09.00 Решеты судьбы
- 10.00 Мультифильми
- 11.00 19.00 Т/с «Удивительные странствие Гералда».
- 12.00 01.45 Т/с «Звездные врата: Атлантида».
- 13.00 Х/ф «День саранин».
- 16.00 Х/ф «Всего лишь времена».
- 18.00 Т/с «На краю Вселенной».
- 20.00 03.45 Т/с «Притворщица».
- 21.00 Т/с «Мерлин».
- 23.00 Т/с «Остров Харпер».
- 00.45 Т/с «Бессмертний».

ТНТ

- 06.00 «Необъяснимо, но факт».
- 07.00 «Такси».
- 07.35 11.30 Мультсериалы
- 08.30 «Комеди Клуб».
- 09.30 20.00 Т/с «Универ».
- 10.30 18.30 Т/с «Остатки вместе».
- 13.30 Т/с «НЭ20. Простодобавь воль!».
- 14.00 05.25 «Саша + Маша».
- 14.30 «Женская лига».
- 15.30 18.30 Х/ф «Парвен донь».
- 17.30 Т/с «Кайи Ху».
- 19.30 «Женская лига».
- 21.00 01.00 «Комеди Клуб».
- 22.00 «Comedy Woman».
- 23.00 «Дом 2».

Улар ишсиз қолишмайди

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, жаҳон иктисодиётининг соғломлашиш босқичига ўтиши ахборот технологиялари (IT) мутахассисларига талабнинг инкироздан олдинги даврдаги сингари юқорилигини кафолатламайди, шунга қарамадан, янги ва амалдаги технологияларга кизиқиш мутахассисларни тайёрлаш ва четдан профессионалларни жалб этишда хал этувчи аҳамият касб этади.

Ақсарият хорижий экспертларнинг фикрича, ахборот технологиялари соҳасида қуйидаги йўналишларда фаолият юритувчиларга компанияларда қизиқиш катта бўлиши кутиляпти:

Хавфсизлик тизимлари бўйича мутахассис

Хакерлар ҳужумидан жабр кўрган, маълумотлар хавфсизлик тизими ишдан чиққан компаниялар ҳақидаги ташвишли хабарлар кун сайин кўпайиб бораётти. Вазият 2010 йилда ҳам сақланиб қолади. Ўз-ўзидан, ахборот технологиялари мутахассислари орасида хавфсизлик соҳасида билим эгаллаш ишпидекадагилар сони кўпаймоқда. Computing Technology Industry Association (CompTIA) 1537 нафар техник мутахассис орасида сўровнома ўтказиб аниқлашганда, уларнинг 37 фоизи яқин беш йил ичида хавфсизлик тизимлари бўйича, 20 фоизи ахборотни муҳофазалаш, 13 фоизи эксперт-техник таҳлил масалалари бўйича сертификатни қўлга киритиш ниятини билдирган.

Виртуал тизимлар бўйича мутахассис

“Виртуаллаштириш ва автоматлаштириш технологиялари бевосита глобал тармоқ билан боғлиқ. Виртуал тармоқлар ҳисоблаш муҳитини, автоматлаштириш мониторинг, бошқариш, хавфсизлик ва глобал тармоққа мувофиқликни таъминлайди, — дейди Enterprise Management Associatesнинг илмий-тадқиқотлар директори Энди Манн. — Бугунги кунда виртуаллаштириш ахборот технологияларининг асосий йўналиши ҳисобланади, табиийки, бу йўналишда ишлашга талабдорлар ҳам кўп бўлади”.

Ресурсларнинг ўтказувчанлигини режалаштириш бўйича менежер

Қайси ресурсларига талаб катта эканлигини билмаган компаниялар даромадидан айрилиши ёки бизнес фаолиятида тўғри ва тезкор қарорлар чиқара олмаслиги ҳеч гап эмас.



Бу йўналиш мутахассисларига ўз ресурсларини оптималлаштириш, молиявий ва техник имкониятларини тўғри йўнаттириш истагидаги компаниялар иш ўринларини таклиф этишади.

Тармоқ муҳандиси

Ахборот технологиялари келажаги ва юқори рақобатбардошлик ҳамкорликдаги ҳаракатни талаб этади, шу боисдан компютер тармоғининг аҳамияти ошиб бораётти. Ҳатто 2009 йилда барча соҳаларда даромад камайиши кузатишган пайтда ҳам коммуникацияларга талаб камаймади, демак, тармоқ технологиялари мутахассисларига эътибор ошади.

Эркин дастурий таъминот мутахассиси

Ақсарият компаниялар ахборот технологияларига сарфлаётган маблағларини камайтириш ҳисобига ҳам муваффақиятли бизнес фаолиятга умид қилишяпти. Аммо очик чиқувчи кодли дастурий маҳсулотларни ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ишлаб чиқарувчилар бу каби хизматларни таклиф этишаётганига қарамадан, IT-менежерлар ўз штатларида, ҳам ана шундай мутахассислар бўлишини истамоқда.

Хизматлар билан таъминлаш бўйича менежер
Кафолатланган сифатли IT-хизмат ҳоиси янги эмас, бироқ яқин пайтларгача бу ишни хизматлар провайдерлари бажариб келишган, энди эса компаниялар таркибидagi IT-бўлимларнинг ўзи шундай провайдерларга айланмоқда.

Forrester Research компанияси мутахассислари компанияларга хизмат кўрсатиш жараёни билан шуғулланувчи менежерларни ишга олиб, бошқарув амалиётини йўлга қўйишни таклиф этишмоқда.

Электрон тиббиёт архиви тизими маъмури

CompTIAнинг ҳисоб-китобларига қараганда, келгуси йили жаҳон бўйича соғлиқни сақлаш соҳасида 70 мингдан ортиқ янги IT-иш ўринлари очилиши кутиляпти. Электрон тиббиёт архиви тизими маъмурига талабнинг ошиши натижасида компаниялар ўз мутахассисларини шу йўналишда ҳам ўқитишга рағбат билдиришмоқда.

Таъминотчиларни танлаш бўйича мутахассис

Компаниялар бу йўналишда четдан янги мутахассисларни жалб этиш ўрнига, кўпроқ бошқа муқоабил ечимларни топишлари кутиляпти. Масалан, удлабурон IT-менежерлар аутсорсингнинг турли йўналишларини ўзлари ўрнатишга киришиб, компанияларига фойда келтиришлари мумкин.

Хизмат каталоглари менежер

IT-департаментлар ўз компанияларининг хизматлар бўйича ички провайдерларига айланишаркан, улар мижозларнинг хоҳиш-истакларига ёндашишда ҳам янгиликларга қўл уришади. Сервис IT-каталогининг юзага келиши унга маъсул бошқарувчи — менежер вазифаси таъсис этилишини ҳам аниқлатади.

Бизнес жараёнлар бўйича муҳандис

Жорий йилда компаниялар реструктуризация бўйича лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кўпроқ бизнес-жараёнлар бўйича муҳандисларни жалб этишлари кутиляпти.

Техник тизимлар ва бизнес-жараёнларни уйғунлаштира олган мутахассислар компанияларида юқори мавқе эгалтайди.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

Интерференция турлари

ва уларни бартараф қилиш усуллари

Давоми. Аввали газетанинг 5 (906)-сонда

Интерференция ва уларни бартараф қилиш ҳақидаги маълумотимизни давом эттирган ҳолда интерференциянинг яна бир муҳим тури ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу ноуа тизимлардан келаётган интерференциядир.

Уяли диапазон ҳамда қўшни частоталар диапазонлари барча мобил хизматларини эгаллаган. Бу тизимларда частоталарни ажратиш бир неча юз метрдаги муҳофазатга кафолат беради, баъзида интермодуляция (икки турли ташувчи бир вақтнинг ўзида кексиз муҳитда пайдо бўлганида содир бўлади) туфайли интерференциялайди. Бунда асосан локал юқори қувватли узатувчи ва қабул қилувчи мултиплексорда содир бўлади.

Ноуа тизимлардан келаётган интерференция, шунингдек, частоталар диапазонида ташқарида, баланд қувватли тизимлардан келиши мумкин, бунинг сабаби ердан аккисланиш туфайли юзага келади. Баъзан юқоридаги HF узатувчи ҳалақитини кабелларни экранлаштириш ҳамда заминлаштиришларни ўзгартириш орқали бартараф этиш мумкин.

Ташқи интерференция уч асосий турга бўлинади:
- узатувчининг шовқини;
- қабул (приёмник) сезгирлигининг пасайиши;
- интермодуляция.

Узатувчининг шовқини яқиндаги узатувчи туфайли келиб чиқиши мумкин, интерференцияга эса қўшни узатувчининг интерференцияга учраган кабеллари сабабчи бўлади. Узатувчининг шовқинини пасайтиришга асосан узатувчида филтрларни ўрнатиш билангина эришиш мумкин. Бундан мақсад нохуш эмиссияни йўқотиб, ҳалақитга учраган приёмник ўртасидаги масофани ўзгартиришдир.

Қабул қилувчи (приёмник) сигналнинг пасайиши диапазон ташқарисидаги кучли сигналлар туфайли юзага келади. Бу сигнал приёмникнинг киришида пайдо бўлади, бар-

тараф қилиш эса приёмникнинг ўзидагина амалга оширилиши мумкин. Бунинг оддий ечими ҳалақит частотасининг филтрацияси, агар бу қилинмаган бўлса, приёмник билан сезгирликни пасайтирадиган узатгич ўртасидаги масофани узайтириш лозим. Бунда интерференция манбаи доимий бўлмаса анча мураккаб бўлади.

Интермодуляция икки турли ташувчи бир вақтнинг ўзида кексиз муҳитда пайдо бўлганида содир бўлади. Тадқиқотларга кўра, учинчи тартибли интермодуляция кўп нуқулалликлар келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун у яққаланиши (изоляция қилиниши) лозим.

Бу приёмникда, узатувчи портида ва бошқа бирор жойда содир бўлиши мумкин. Агар бу приёмникда бўлаётган бўлса, уни приёмникка етиб келаётган интермодуляция сигналларини камайтириш билан тўғрилаш мумкин. Бу эса филтрация ёки узатувчи ва қабул қилувчи орасидаги масофани камайтириш билан бартараф қилинади.

Узатувчи интермодуляция узатув-

чининг чиқишида ёки комбайнерда содир бўлади, бунга бартараф қилиш узатувчининг ўзида, аниқроғи, филтрация орқали амалга оширилади.

Ҳозирда ҳам аналогли ҳамда рақамли диапазонлар тизимларида муаммо бор, бу турли стандартли тизимлар ўртасидаги интерференциядир. Бунинг асосий сабаби уларда BSнинг узатувчи ва қабул қилувчилари бир-бирига “юзга билан” қарамаган. Бу муаммонинг ечимларидан бири — улар биргаликда ишлаётган жойларда спектрдан биргаликда фойдаланишда оптимал келишувга келиш шарт, шунингдек, муҳофазат интервалдан фойдаланишдаги имкониятлардан кенгроқ фойдаланилиши ҳамда so-looket (қўшни) база станциялари учун узатувларни ўтказмайдиغان филтрлар бўлиши лозим.

Биз айтиб ўтган интерференциялар нафақат сўзлашувлар пайтида ҳалақит берувчи омил, балки мобил хизматлардаги бошқа хизматларда ҳам намоён бўлади, яъни SMS, GPRS, MMS ва видео қўнғироқларни ҳамда бошқа хизматларни амалга ошираётганда уларнинг сифати бузилишига олиб келади. Бу хизматлардаги интерференциянинг олдини олиш йўллари ҳақида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Жасур ИСЛОМОВ,
ТАТУ Қарши филиали ахборот технологиялари факултети 3-босқич талабаси



Аскарлик ҳаётидаги бу лаҳзалар унутилмас лавҳаларга айланди.

Кузатув

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган Куролли Кучлар тизimini такомиллаштириш, юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ҳамда худудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шаронтини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Кўшинларнинг замонавий курол-яроғ ва техника, бошқарув ва алоканинг компютер тизимлари, шунингдек, шахсий химоя воситалари билан таъминланиши, жанговар шайлиги янада ошмоқда.



Кузатув маросимига бағишланган тадбир.

Қолаверса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўғлонларимизга давлат томонидан катта имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Намунали хизмат ўтаган собиқ аскарнинг 25 фоиз балли имтиёз билан олий ўқув юртида таҳсил олиши ёхуд армиядан қайтгач, маҳаллий ҳокимликлар, фуқаролар йиғинлари кўмагида иш билан таъминланишининг ўзиёқ айна пайтда ҳарбий хизмат нуфузи нечоғлиқ юксалганидан далолат беради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисмида ҳам алоқачи-аскарларнинг ҳар томонлама камол топишида барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳарбий билимларини ошириб боришлари учун махсус ўқув хоналари, компютер синфлари, махсус техника ва жиҳозлар, жисмоний баркамоллик, чиниқиш учун спорт заллари, ҳордиқ чиқариш учун клуб ва бошқа қулайликлар аскарлар ихтиёрида.

Ҳар йили аскарлар ўз йигитлик бурчларини адо этиб, ота-онаси бағрига ёруғ юз билан қайтади. Мазкур ҳафтада Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисмида ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарларни

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервига бўшатишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Бошқарма бошлиқлари, офицерлар, сержантлар, аскарлар, шунингдек, фахрий меҳмонлар иштирок этишди.

Тадбир очилишида бошқарма бошлиғи, подполковник Ўқтам Аҳмедов белгиланган муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган аскарларни табриклаб, Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф эканини, бу вазифани ёшлар шижоат билан адо этиб, ота-оналари бағрига ёруғ юз билан қайтишга ташкил таъкидлади.

Бошқа сўзга чиққанлар аскарлик ҳам — бир бахт эканига алоҳида ургу беришди.

Шундан сўнг тадбирнинг бадиий қисмига ўрин берилди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, аскарлар томонидан тай-

ёрланган қизиқарли чиқишлар тадбирнинг чиндан-да байрамона руҳ олишини таъминлади.

— Армияда йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топиб, иродаси тобланиб, ҳаётга қарашлари шаклланади. Ватан химояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб етишади, —




Дил сўзлари:



Фаридун АХМЕДОВ,
Сурхондарё вилоятидан:

— Бир йиллик хизмат давомида кўп билимларга эга бўлдим. Келишимдан аввал ҳарбий хизматнинг бу даражада қулайликларга эга деб ўйламагандим, овқатланиш, ётиб-туриш, берилаётган билимлар, тартиб-интизом, ҳарбий ва жисмоний машғулотлар аъло даражада йўлга қўйилган. Компютер ва интернет, кутубхона ихтиёрида бўлди. Олий ўқув юртига кириш истағида бўлганлар учун математика ва бошқа фанлардан олийоҳ ўқитувчилари келиб дарслар ўтишди.

Келажакдаги ниятим — олий ўқув юрти талабаси бўлиш. Хизмат давомида интизомим, эгаллаган билимларим самараси ўлароқ, 25 фоиз балли имтиёзни берадиган тавсиянома олдим. Бу ютуқларимдан фахрланаман.



Достон ЭРГАШЕВ,
Фарғона шаҳридан:

— Ёшлигимдан ҳарбий соҳага қизиқаман. Мақсадим — келажакда ҳарбий офицер бўлиб юртимга хизмат қилиш, бир йил давомида мен шунга пойдевор яратдим. Ўзимга керакли билим, чиниқиш олдим. Бунинг учун албатта ҳарбий қисмнинг барча офицерларига, команда бошлиқларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.



Дилшодбек РАХМОНОВ,
Андижон вилоятидан:

— Бир йиллик таассуротларни таърифлашга тилдим ожиз. Ҳар томонлама ўсиб-улғайдим, дўстлар орттирдим.

Бу ерда бизга яратилган шарт-шароитлар аъло даражада. Бўш вақтимизни ҳам мароқчи ўтказиш учун клубимизда аскарлар томонидан ҳаваскорлик тўғрисида ишлаб турди.

Тренажёр заллари, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича қишқи ва ёзги майдонларимиз бор. Шу имкониятлардан фойдаланиб ўзимизни чиниқтириб бордик.

Биздан сўнг хизматга келадиган тенгдош ва укаларимга эзу тилақларимни билдириб қоламан.

Лутфилло ТУРСУНОВ

PS. Муддатли хизматни ўтаб бўлган ёшлар Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий қисми офицерлари ҳамроҳлигида ота-оналари бағрига қайтди. 3 март кuni эса муддатли ҳарбий хизматга қақрилан бўлажак аскарларни кутиб олиш маросими ўтказилди. Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сониди ўқийсиз.

АНДИЖОН

Учрашув

18 феврал кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев Пахтабод туманида бўлиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги мавжуд муаммолар юзасидан туман аҳолиси билан учрашди.

Учрашувни туман ҳокими Ш. Абдураҳмонов очиб, туманда алоқа ва ахборотлаштириш тизимида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

А.Эшонхўжаев республикамизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, амалга

оширилаётган ислоҳотлар ва “Баркамол авлод йили Давлат дастури” бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида батафсил гапирди. Учрашув очиқ мулоқот тарзида, иштирокчиларни қизиқтирган савол ва таклифлар асосида давом этди.

Ўз мухбиримиз

НАВОИЙ

➔ KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

Ишонч кафолати

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиалида корхона томонидан 2009-2011 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2009 йилдаги ижросига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали жамоаси ўтган йилни самарали яқунлашга эришди, жумладан, филиалда иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида қилинаётган ишлар натижаси таҳлил қилинганда, даромадлар режаси 107 фоизга бажарилди.

Филиалда 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида меҳнат қилаётган 564 нафар ишчи-ҳодимнинг меҳнат қилиш, яхши дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қўшимча имтиёزلардан фойдаланиш каби ижтимоий-маданий ҳуқуқларини кафолатлаши билан муҳимдир.

Филиал тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 241 нафари хотин-қизлар, 198 нафари эса 30 ёшга тўлмаган ёшлардан иборатлиги ҳам ўзига хос масъулиятни талаб этади. Чунки аёллар билан албатта, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари боғлиқ бўлса, ёшлар эртанги кун эгалари сифатида янги даврга мос муносабатни талаб этиши табиий.

Жамоа шартномасининг “Иш берувчининг мажбуриятлари”, “Касаба уюшмаси кўмитасининг мажбуриятлари”, “Иш вақти ва дам олиш вақти” бўлимлари талаблари муҳимлиги билан бир қаторда, ҳам маъмуриятдан, ҳам ишчидан юксак масъулиятни талаб этади. Бу муҳим талаблар ўз муддатида бениқсон адо этилмоқда.

Шунингдек, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, рағбатлантириш бўлими бандлари ҳам ортиги билан бажарилаётганлигини компенсациялар, қўшимча тўловлар, пул мукофотлари, пулли рағбатлантиришлар мисолида кўриш мумкин.

— Ишчи-хизматчиларнинг касб малакаси учун қўшимча тўловлар ҳам меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди филиал бўлим бошлиги Шакарбек Казаков, — Масалан, 344 нафар ходимга тармоқда узоқ муддатли фаолияти учун 56 миллион сўм миқдоридида қўшимча ҳақ тўланди.

Ходимларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 549 нафар ходим сугурта қилиниб, бир миллион сўмдан ортқа маблағ сарфланди. Ходимларимизни махсус

Ташриф давомида меҳмон Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, электрон кутубхона, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёшлар билан ишлаш, ноёб адабиётлар секторларида бўлиб, фойдаланувчилар ва ходимлар билан кутубхона соҳасидаги янги иш жараёнлари, жамғарманинг босма ва электрон ресурслар билан бойитилиш даражаси, электрон каталог ҳамда китобхонларнинг талаб, эҳтиёжлари бўйича қизгин суҳбатлашди.

ХОРАЗМ

“Коинот ЭЛ-СГМ” кишлоқда

Ўтган 2009 йил корхонамиз ходимлари учун ажойиб ва унутилмас йил бўлди. Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йилида туманимизнинг энг чекка Иттифоқ, Охунбобоев, О.Жуманиёзов, Ғозоват кишлоқлари аҳолиси учун электрон рақамли телефон хизмати йўлга қўйилди.

“Коинот ЭЛ-СГМ” русумли қурилмани ўрнатишда Каримбой Ҳамроев, Озод Қурбонбоев ва бошқа электромонтёр ва кабелчиларимиз ўз кучларини аямасдан, силқилдан хизмат қилишди. Камчиқим ва сифатли электрон рақамли телекоммуникация хизматидан фойдаланаётган миқозларимизнинг севинчлари чексиз.

2009 йили яна бир қувонарли воқеа шохиди бўлди. Корхонамизда ЛАЗ муҳандиси бўлиб ишлаб келаятган Шоназар ака Қурёзовнинг “Шухрат” медали билан мукофотланишини жамоамизнинг яна бир ютуғи деб биламиз.

Адолат ЖУМАНИЁЗОВА,
Қўшқўрик телекоммуникациялар боғламаси ходими

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“IMAGE TV” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001843 рақамли;

“NET HALL SERVICE” хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002696 рақамли;

“SOHIB SAVDO” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001112 рақамли;

“GAMMA PROMOTION” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ радиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001769 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 16 февралдан тугатилди.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНД

Сархисоб

Самарқанд вилояти алоқа корхоналарида жамоа шартномаларининг 2009 йилда бажарилишига бағишланган ҳисобот конференциялари ўтказилди.

Махсус корхоналар ва касаба уюшмалари кўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳақида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали директори Ш.Йўлдошев, “Самарқанд Телеком” филиали директори ўринбосари Ю.Жабборов, “ЎЗИ-Самарқанд” филиали директори ўринбосари М.Алиев, “Матбуот уюшмаси” МЧЖ директори З.Циммерманларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича касаба уюшмалари кўмиталари раислари ҳисобот берди.

Маърузаларда сўзга чиққан боғлама ва тармоқ раҳбарлари, касаба уюшмаси фаоллари корхоналарда

белгиланган режаларни бажариш, хизмат маданиятини ошириш, халқ ҳўжалиги ва аҳолига турли алоқа хизматларини кўрсатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш орқали даромадни ошириш, унинг орқасида соҳа ходимлари турмуш фаровонлигини янада юқори даражага кўтариш ҳар бир ходимнинг вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бўлиб ўтган конференцияларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев иштирок этиб, Вазирлар Маҳкамасининг йил якуни бўйича ўтказилган йилгилишида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар, уларни бажариш бўйича вазифалар ҳақида сўзлади ҳамда жамоа шартномаларининг тўла бажарилишини таъминлаш, айниқса, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига алоҳида аҳамият бериш, меҳнат муҳофазаси жамғармасидан тўғри фойдаланиш лозимлиги ҳақида фикр юритди.

Йўлингиз бехатар бўлсин!

Мусажон ака Долимов 35 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалида хайдовчилик вазифасида ишлаб келмоқда. Айни пайтда у замонавий усулда почта алмашувини тезкор ва сифатли амалга оширмоқда.

Мусажон ака туманларга почта олиб боришда EMS ва сугурта қопларини, қолаверса, газета ва журналларни сифатли етказишга эътибор беради.

Шогирдлари Иброҳимжон Султонов, Маҳмуджон Қоди-



ров, Обиджон Абдуназаровлар Мусажон аканинг насиҳатларига амал қилиб, ўзларига ишониб топширилган автомашиналарни кўз қорачигидек авайлаб ҳайдашапти.

Мусажон ака филиалда уюшма ташкил қилиб, тумандаги барча почта ташувчи "Дамас" хайдовчиларини шифокор назоратидан ўтказиш амалиётига қатъий риоя эттиради. Бу, ўз навбатида, аввало хайдовчиларнинг почтани вақтида олиб боришида, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларида ижобий натижалар бермоқда.

Йўлингиз бехатар бўлсин, Мусажон ака.

Сойибназар СУЛТОНОВ
Андижон вилояти

"Beeline club"га хуш келибсиз!

"Билайн" ягона алоқа оператори энг кизикarli воқеалар марказида бўлиш, ривожланиш ва муваффақият қозонишга ҳаракат қиладиган ёрқин, омадли ва интилувчан абонентлар учун "Beeline Club" номли ноёб бонус дастури ишга туширилганини эълон қилади.

Лойиҳанинг биринчи қисми доирасида абонентлар алоқа хизматлари учун сезиларли ҳаражат қилиб, сервиснинг янги босқичи ва қатор афзалликларни қўлга киритадилар. "Beeline Club" алоқа хизматлари учун қўлаб нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган таклифлар, шунингдек, совғалар ҳамда мамлакатнинг энг кизикarli ва урф бўлган жойларида чегирмалар оладилар. Бундан ташқари, клуб қатнашчилари учун махсус ажратилган рақам — 0777 "Beeline Club" операторига кун ва тун мобайнида уланиш учун амалда бўлади.

"Билайн"нинг очиқ идораларида шахсий маслаҳатчилар "Beeline Club" қатнашчиларини компаниянинг барча хизматлари билан таништириб, хизматларга уланиш ва уларни ўчиришга, ҳисоб тўловларини тушуниб олишларига ёрдам берадилар. Beelineclub@beeline.uz маззили бўйича савол билан мурожаат қилиб, "Beeline Club Gold" ва "Beeline Club Platinum" имтиёзлари картаси эгалари тезкор ва батафсил жавоб олишлари мумкин. "Beeline Club" шахсий картаси клуб аъзоллигини тас-

диқлайди ва эксклюзив хизматлар ва алоҳида хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Дастурнинг ишга туширилишини изоҳлар экан, "Юнител" МЧЖ Тижорат директори Марат Сериков шундай деди: "Beeline Club" лойиҳаси миқозларнинг тор доираси билан чекланиб қолмайди. Яқин кунлар ичида дастурнинг иккинчи қисми ишга туширилади. Унда истаган киши иштирок этиши мумкин. Биз абонентларимизни қадрлаймиз ва улар ўз операторлари томонидан алоҳида муносабат кўрсатилаётганини ҳис этишларини истаимиз".

Клубга аъзо бўлиш махсус ҳаракатларни талаб этмайди. Компания мутахассислари ўзлари абонентлар билан алоқага чиқадилар. "Beeline Club"дан бўладиган кўнғироқни қутинг!

Ucell: "Дўстона интернет" ва "Дўстона SMS"

"Дўстлар Орасида" тарифининг барча абонентлари қуйидаги қўшимча хизматларга уланишлари мумкин:

"Дўстона Интернет" — кунлик абонент тўловига қўшимча \$ 0,1 ҳисобига сизга кунига бепул 20МБ Ucell интернет трафиғи тақдим этилади. Мазкур қўшимча хизматга уланиш учун *0802*1# шаклида USSD-сўров юборинг;

"Дўстона SMS" — кунлик абонент тўловига қўшимча яна \$ 0,1 ҳисобига сизга ҳар кунги Ўзбекистон бўйича бепул 100 SMS тақдим этилади.

Ҳар иккала қўшимча хизматга бир вақтда уланиш мумкин. Мазкур қўшимча хизматлардан 2010 йил 31 мартгача фойдаланиш мумкин бўлади.

Нархлар ҚҚС билан кўрсатилган.

Устама ҳақ олишлари тўғрими?

— Республикамызда карточка тизими жорий этилганига анча бўлди. Дўконларда пластик карточкалар орқали амалга оширилган харид учун устама фойз олишлари тўғрими? Агар нотўғри бўлса кимга шикоят қилиш керак.

Камола РАҲМАТОВА
Қуйчириқ тумани

— Дўкон эгаларининг пластик карточкалар орқали харид учун харидорлардан устама ҳақ олишлари нотўғри. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган "Тўлов терминаллари билан жеҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисобкитобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари ассосиз равишда оширилишига йўл қўйилмайди.

Бундай салбий ҳолатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари"га мувофиқ маъмурий жавобгарлик ҳамда жиноят кодексларига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Мабодо пластик карточка эгалари нархни сунъий равишда ошириш ёки пластик карточкани қабул қилишдан бош тортиш ҳолатларига дуч келишса, бевосита Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг жойлардаги бўлинмаларига ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишлари зарур.

GREEN CARD нима?

— Автобекатларда, биналарнинг деворларида ва бошқа жойларда "GREEN CARD" сўзлари ёзилган эълонга қўзим тушади. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Д.АҲМЕДОВА
Тошкент шаҳри

— "GREEN CARD" — бу Америка Қўшма Штатларида яшаш, ўқиш, ишлаш имкониятини берувчи гувоҳнома. Мазкур лоторея АҚШ давлати департаменти томонидан йилда бир марта уюштирилади. Ҳали компьютер танлови орқали тасодифий аниқланади. Ҳар йили 50.000 киши ютади ва улар АҚШда яшаш имкониятига эга бўладилар.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

Бузилган лифтни ким тузатади?

— Яшаётган уйимизнинг лифти бузилиб қолди. Айниқса, юқори қаватда яшаётганлар қийналяпти. Лифтни ўзимиз тузатишимиз керакми ёки ширкат?

Д.ЭСОНОВА
Чирчиқ шаҳри

— Албатта, ширкат. Бузилган лифтни тузатиш учун кетадиган ҳаражат уйдан фойдаланиш ҳаражатларига қўшиб ҳисобланади. Бундай ҳолатда аҳолидан пул йиғиб олиш мумкин эмас. Мабодо лифт шу уйда истиқомат қилувчиларнинг бирортаси айби билан бузилса, унда қўллашиб тузатишга тўғри келади.

Дотациядан даромад солиғи?

— Давлат корхоналаридан бирида ишлаймак. Корхонамизнинг ўз ошхонаси мавжуд эмас. Шу сабаб ишхонамиздан анча наридаги ошхонада овқатланамиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда бизга овқатланиш учун дотация тўлашади. Мазкур дотациядан ҳам даромад солиғи олинадими?

И.АШУРОВА
Сурхондарё вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 117-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра овқатланиш учун қўшимча ҳақ ҳодимнинг моддий наф тарзидаги даромадлари деб тан олинади. Шу сабаб у жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ундирилувчи жами даромадига киритилади.

Мазкур кодекснинг 307-моддасига мувофиқ моддий наф тарзида даромадлар ижтимоий сугуртага ажратмалар солиши объекти бўлиб ҳисобланмаслигини эътиборга олиб, овқатланиш учун тўланадиган қўшимча маблағга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солинмайди.

БОКС

БОЛГАРИЯДАН ЕТТИ МЕДАЛ

Болгариянинг Пловдив шаҳрида “Странджа” халқаро турнири ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин, учта кумуш ва иккита бронза, жами еттита медални қўлга киритди.

Олтиш килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Хуршид Тожибоев олтин медални қўлга киритди. Таъкиллаш лозимки, ҳамюртимиз ярим финалда Олимпиада ўйинларининг икки қарра ғолиби Алексей Тишченкони (Россия) 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон терма жамоасига иккинчи олтин медални 69 килограмм вазн тоифасидаги беллашуварларда муваффақиятли қатнашган Уктам Раҳмонов келтирди. Бу умидли спортчимиз ҳам ярим финалда Пекин Олимпиадаси вице-чемпиони Карлос Бантеур Суарезни (Куба) енгиб, мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Терма жамоамизнинг тажрибали аъзоларидан Элшод Расулов, Орзубек Шоймов, ёш боксчимиз Жасур Латиповлар кумуш медал соҳиби бўлишди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Аббос Атоев ва Баҳодир Султонов бронза медал билан чекланди.



ФУТБОЛ

БОШЛАНИШИ АЖОЙИБ!

2010 йилги Осиё Чемпионлар лигаси ва ОФК Кубоги баҳсларини мамлакатимиз жамоалари ажойиб тарзда бошлашди.

Сешанба куни “Бунёдкор” ўтган йилги финалчи “Ал-Иттиҳод”ни йирит ҳисобда мағлуб этди.

Бунёдкор (Ўзбекистон) — Ал-Иттиҳод (Саудия Арабиёси) 3:0

Голлар: Ривалдо 3 (1:0), Ҳасанов 21 (2:0), Денилсон 66 (3:0)
Чоршанба куни “Пахтакор” жамоаси ҳам БААнинг “Ал-Айн” клуби меҳмони бўлиб, мусобақани галаба билан бошлади.

“Ал-Айн” (БАА) — “Пахтакор” 0:1

Гол: Артур Геворкян (60)

Футбол мухлислари учун байрамни ОФК Кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Насаф” давом эттирди. Қаршилиқлар меҳмонида Ливаннинг “Ал-Аҳад” жамоасини тор-мор келтиришди.

“Ал-Аҳад” — “Насаф” - 0:4

ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ТАРКИБИ МАЪЛУМ

27 февралдан 1 мартгача бўлган мuddат оралиғида Тошкентда яқиндагина ташкил этилган Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг дастлабки ўқув-машғулот йиғини бўлиб ўтади.



Хабарингиз бор, ушбу жамоага Аҳмад Убайдуллаев бош мураббий этиб тайинланган. Чунки терма жамоанинг кўпчилиги футболчилари тошкентлик мутахассисга Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси орқали жуда яхши таниш.

Пойтахтда ўтказиладиган илк йиғиндан сўнг, Убайдуллаев жамоаси 3 март куни Қатарда ушбу мамлакат Олимпия терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида иштирок этади.

НАСИМОВ “РУБИН” БИЛАН 3 ЙИЛЛИК ШАРТНОМА ТУЗДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Самарқанднинг “Динамо” клуби ҳужумчиси Баҳодир Насимов Қозоннинг “Рубин” жамоаси билан 3 йиллик шартнома имзолади.

Маълумки, 22 ёшли ҳужумчи шу йилнинг январ ойида Москвада ташкил этилган Ҳамдўстлик чемпионлари Кубогида келишув асосида “Бунёдкор” шарафини ҳимоя қилиб, мусобақада 5та тўп киритишга муваффақ бўлган. Шундан кейин у бир қатор хориж клубларининг эътиборига тушди. Сўнгра, январ ойининг охирида кўриқдан ўтиш учун “Рубин” таркибига бориб қўшилди. Йиғин давомида ўзини кўрсата олган футболчи, ниҳоят, клуб билан 3 йиллик шартнома тузди.

МАКСИМ ШАЦКИХ “АРСЕНАЛ”ДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Максим Шацких Киевнинг “Арсенал” клуби аъзосига айланди. Узоқ йиллар Киевнинг бошқа бир клуби — “Динамо” сафида 16-рақам остида тўп сурган футболчига “Арсенал”нинг 15-рақамли футболкаси топширилди.

Шацких сўнгги мавсумни Қозғистоннинг “Локомотив” клуби таркибиде ўтказган эди.

ДЗЮДО

НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ОЧКОЛАРИ

Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида Халқаро Дзюдо федерацияси томонидан ўтказилган “Гран-при” туркумига кирувчи халқаро турнирда дунёнинг энг кучли дзюдочилари 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзи Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синашди.

Тўқсон килограмм вазн тоифасида тажрибали дзюдочимиз Хуршид Набиев кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Дилшод Чориев бронза медалига сазовор бўлди.

ЖАҲОН СПОРТИ

ЕТАКЧИЛАР

САРАЛАНМОҚДА

Ванкуверда Қишқи Олимпия ўйинлари якунланишига уч кун қолганда етакчи жамоалар ўртасида кураш янада қизгин тус олди. Медаллар статистикаси қуйидагича:

Жамоалар	Олтин	Кумуш	Бронза
1. Германия	7	10	7
2. АҚШ	7	9	12
3. Канада	7	6	2
4. Норвегия	6	6	6
5. Швейцария	6	0	2
6. Жанубий Корея	5	4	1
7. Австрия	4	3	3
8. Хитой	4	2	2
9. Швеция	4	2	2
10. Россия	3	4	6

ЕВРОПА

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ



Европа чемпионлар лигаси нимчорак финал баҳсларининг мазкур ҳафтадаги учрашувларида шов-шувли натижалар қайд этилмади.

“Штутгарт” (Германия) — “Барселона” (Испания) — 1:1
Голлар: Какау, 25 (1:0); Ибрагимович, 52 (1:1)
“Олимпикас” (Греция) — “Бордо” (Франция) — 0:1
Гол: Сиани, 45+2 (0:1)
“Интер” (Италия) — “Челси” (Англия) — 2:1
Голлар: Милито, 4 (1:0). Калу, 51 (1:1). Камбьяссо, 55 (2:1).
ЦСКА — “Севилья” — 1:1
Голлар: Негредо, 25 (1:0); Марк Гонсалес, 66 (1:1).

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
 (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Бахтиёр КУБЕЕВ
 Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
 Миродил САНГИЛОВ
 Шуҳрат СОДИҚОВ
 Лутфилло ТУРСУНОВ
 (масъул котиб)
 Асаджон ХҲҲАЕВ
 Рустам ҚОСИМОВ
 Солиқжон ҚОСИМОВ

Газета
 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақамда билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
 Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
 Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
 Факс: 236-36-42.
 E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган қўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
 Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Миязил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-102 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
 Адади: 18897 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланганлиги. Дизайнер: Аслидин БҲҲИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙҲҲЛОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
 Босишга топширилиш вақти — 20.00.

2 3 4 5



Дам олим сазифаси

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.



Чойхонада чойхўрлик қилаётган, аксарияти яқиндагина қуда-андачиликни бошлаган эркекларнинг суҳбат мавзуи тўйдан кейинги мазарга келганда, қизгин тус олди.

— Эй, мазар келса, ўзингизни худди жаннатда юргандек ҳис қиласиз, — деди бири.

— Бунақа таомлар ресторанда ҳам йўқ! — деди иккинчиси.

— Кеча денглар, — дея учинчиси гапни илиб кетди, — эрталаб эшик таққиллади, ўзим очдим. Қудамникидан бир киши келибди. Қўлида қаймоқ, иссиқ, гўштли нонлар, ҳақиқдай узум. Мириқиб нонушта қилдикми?! Тушликда-чи?! Бир тоғора голубса! Ўзим ичи лик тўла гўшт!

— Бизниқига уч-тўрт кун мазар келдию, бирдан тўхтаб қолди, — дея гапга қўшилди бошқаси. — Оммалекин, бизни хотин малалесс-да, нима деди, денг? Келин, биз ҳам қиз чиқарганмиз, ҳар кун йўл киранинг ўзига ўн беш мингдан сарфлаганмиз. Бу энди элга келган тўй. Қилса, қизининг обрўси, дейиши билан, қиз бечора телефонга ёпишдиёв. Бир пасда ест-да!

— Бу, олим акамиз нега мум тишлаб ўтирибди, — дея бир четда суҳбатга қўшилмай турган жиккаккина кишига гап отди ширин кекириб ўтирганлардан бири.

— Бу акамдаям бешта қиз бор, ҳақитдан юки тушаётгандир...

— Жа-а, қўрқаверманг, униям гаши бор. Баҳонада ўзингизга ҳам сал жир битиб қолади.

Ғаши келаётганини билдирмаслик учун олим мавзуни бошқа ёққа бурди.

— Шу десанглар, докторликка киришдим. Мавзуми па...

— Ҳе, бу ер институтмас чойхона! Мавзуни совутманг...

*Мазар — Андижонда кўйга келин томонидан юбориладиган турли таомлар.

— Тунов кун, — дея гапни давом этди юзи шолғомдай думалоқ киши, — қудам келибди, турқи бошқача.

Келинг, қуда, десам,

Мазар

(Ҳажвия)

ҳасратидан чанг чиқиб қолдиёв. Эмиш-ки, ҳар кун уч маҳал овқат жўнатишга вақтлариям, тоқатлариям йўқмиш. Ўтган кун овқат олиб келган кичик қизлари кеч қолиб, уларни жа-а ташвишга солганмиш. Хуллас, машинасига уч-тўрт кунлик масаллиқларни босиб келибди.

— Ие, қизиқ экан-ку, индама-дизми?

— Боладим, жа-а ўлиб қолганимиз йўқ эди, майли олиб келибсиз, лекин ошпазига қарздорсиз, деб писанда қилиб қўйдим.

— Эй-й, индаманг, бу қудалар ҳаддидан ошиб кетишяпти, — орага суқилди бошқа бири. — Кечаги кун қудам ғалати гап қилиб қолди. Қачон, қайси овқатни қилишларига бошлари қотиб қолаётганмиш.

Чиданганга чиқарган-да, менюни ўзим тузиб берардим. Ҳа-да, ўғил ўстириб шунчалик роҳат кўрмасак, нима дедиз, олим ака?!

— Янаги баҳорда диссерта-

цияни тугатсам керак, темам пара... — у гапни тугатолмади.

— Эй, яна ўша илмий ишми? Бу ердаги ўғилларни қиз чиқарадиганлар яхши ўқиб олишлари керак. Сиз ҳам бир кун келиб бизнинг қудалар сингари хатоларга йўл қўйиб юрманг, ҳа!..

— Бир нарсани ўйлаб юрибман, — деди яна бири қошларини чимириб. — Шу уч маҳал овқат ташишни қирқ кун қилиб қўйса бўлмасмикин?..

— Оғзингизга шакар! Хонадонлар мазарлар билан файзли-да, а-а, олим ака, нима дедиз?

— Паразит...

— Тушунмадим...

— Мавзу бу, мавзу. Шунинг айрим лавҳалари ёдимга тушиб қолди. Тез бориб қоралаб олай...

— Майли-ю, лекин зарур лексиядан қуруқ қоласиз-да, ака.

Кулги остида олим уйига жўнади.

— Ёқмади, бизни суҳбат ёқмади.

Паразит, дедими? Нима дегани бу, сўкиш эмасмикин?!

— Йўғ-э, ҳозир анави самоворчининг ўлидан сўраймиз.

Улардан бири болани чақириб, секин сўради:

— Бу, паразит дегани нима?

— Паразитми? — деди бола. —

Бошқалар ҳисобига яшайдиган боқиманда ўсимлик.

— Ана, айтдим-ку бизга тегишли эмас, деб. Ўсимлик экан-у.

— Ҳа-ҳа, олим тушмагуре, сўки кетлими, деб ғашим кела бошлаганди. Қани, мавзу совумасин, ўтган кун, десанглар...

Восит АҲМАД



Газетамизнинг Андижон вилоятидаги муҳбири Восит Аҳмадхонов 50 ёшга тўлди. Биз касбдошимизни кутлуг ёши билан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Таҳририят

"Xabar" нинг 7 (908)-сонидagi "Билимингизни синаб кўринг" рукнидаги саволга жавоблар.

— Юртимизда биринчи бўлиб "ЎЗДУНРОБИТА" "МТС Ўзбекистон" мобил компанияси 1992 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

Муборак РУСТАМОВА
Тошкент шаҳри

— Биринчи бўлиб мамлакатимизда "Ўздунробита" мобил алоқа компанияси фаолият бошлаган.

Азамат АБДУЛҲАЕВ
azamat9423@mail.ru

Ушбу саволга шунингдек, самарқандлик М.ҒОҒУРОВА, жиззахлик Т.АРСЛОНОВлар ҳам тўғри жавоб йўллашибди.

ОСМОНДАН ТУШГАН МУЗ

Франциядаги экин майдонларида жуда қаттиқ овоз эшитилади ва ер бирданига титрай бошлайди. Шовқин кейинги далалардан ҳам келади. Дехқонлар зудлик билан экин экадиган ерларини кузата бошладилар ва бир жойда улкан ўйиқни кўришди. Ўйиқда 25 килоли муз бор эди. Ушбу муз бўлагига 1 соатча турди, сўнгра эриб кетди. Воқеа 1978 йил содир бўлган.

ЭСИНГДАН ЧИҚМАСИН!

Шарофат хала ўзларининг иши жойи телефон рақамини терди.

— Бу телефон билан вақтинчалик болганиш мумкин эмас, — аёл кишининг товуши эшитилибди сўзакдан.

— Барака топ, қизим — деди хала. — Ўғлим билан бирга ишласанг керак. Унга онангиз телефон қилди, ишдан қайтайтиб дори олиб келар экансиз, деб хўй. Эсингдан чиқмасин-а...

ҚАЙТА ТУЗИШ

— Фирмаларингиз қайта тузиш қандай ўтди?

— Ёмон.

— Нима, маошингиз камайтиришди?

— Маошим-ку аслидадан қолди. Аммо мени қисқарттиришди.

ТУШКУНЛИКДАН ҚУТУЛИНГ

PSIXOLOGIK TEST

Ўзингизни ёлғиз сезяписизми? Балки сизда руҳий тушкунлик ҳолати бошлангандир. Дарҳол бунинг олдини олиш керак. Бундай ҳолатда ўзингиз учун ижобий муҳит яратишга ҳаракат қилинг. Қуйидаги саволларга "Ҳа" ёки "Йўқ" деб жавоб берсангиз, ўзингиздаги ҳолатини билиб оласиз. Ҳар бир тасдиқ жавоби учун 1 балл, рад жавоби учун 0 балл берилди.

1. Сизни тез-тез уйқусизлик ва бош оғриги безовта қилади?
2. Атроф-муҳитни туманда кўргандек ҳис қиласизми?
3. Сизга ҳамма нарса маъносиздек туюладими?
4. Бошқалардан ёмонсизми?
5. Сизни ҳеч ким тушунмайди?
6. Ҳамма нарсдан асабийлашасизми?
7. Вақт жудаям секин ўтаётганга ўхшайдими?
8. Қўлингиз ишга бормаяптими?
9. Доимо ўзингизни чарчагандек сезасизми?
10. Бирор ишни бажаришга ўзингизни мажбур қила оласизми?
11. Ҳеч нарсага диққатни жамлай олаяписизми?
12. Ўртоқларингиз орасида зерикасизми?
13. Кўринишингиздан қониқмаяписизми?
14. Сиз бўлмаган жойда ҳамма хурсанд бўладими?

0-3 балл: Сиз гапсиз, атрофга ишонч ва заъқ билан қаранг. Қулиб юринг, ўзингиз ёқтирган яхши ишларни бажаришга киришинг. Тез орада қайфиятингиз яхшиланади.

3-6 балл: Сиз тажарулик ҳолатидасиз. Дам олинг ёки ҳар кун ирим соат давомида сайр қилишга одатланг. Спорт билан шуғулланг. Оғир дамларнинг ўтиб кетишига ишонч ҳосил қилинг.

6-10 балл: Сиз тушкунлик ҳолатидасиз. Дарҳол чора кўришингиз керак. Ҳамма ишни ташлаб дам олишга чиқинг. Муҳитни ўзгартиринг, дилингизга яқин дўстлар даврасида кўпроқ бўлинг.

10-14 балл: Сиз чуқур руҳий тушкунликдасиз. Ўзингиз бу ҳолатдан чиқишингиз қийин албатта. Психолог суҳбатидан ўтинг.

